



HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 2-noyabr, chorshanba ● № 46 (746) ● 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

Ребекканинг Ўзбекистондаги ҳайратлари

Ҳақиқатан ҳам эндигина мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлаган ўлкада дунёдаги ривожланган мамлакатларда учрамайдиган ҳақиқатлар мавжуд. Юқорида таъкидлаганимиз оромгоҳларда оддий халқ болаларининг дам олиши учун яратилган шарт-шароитлар Фарбдаги ўзини бой деб билган мамлакатларда учрамайди.



⇒ 3-бет

120 ёшли куёв

«The Time of India» нашрининг ёзишича, Ҳиндистоннинг Ассам штати Каримганж округининг 120 ёшли фуқароси ёшлар сингари барча урф-одатларни жойига қўйиб уйланган. Унинг севгилиси ўзидан икки баробар кичик. Висол оқшомига 500 дан зиёд меҳмон таклиф этилган.



⇒ 5-бет

Етти миллиардинчи инсон сафга қўшилди

Бундан икки юз йил аввал бир миллиард нафарни ҳам ташкил қилмаган сайёрамиз аҳолиси бор-йўғи икки инсон умрига тенг вақт давомида етти миллиардга етди. Уларнинг деярли тенг ярми Осиёнинг икки улкан мамлакати — Ҳитой ва Ҳиндистонда истиқомат қилмоқда. Аҳвол шу зайдда давом этадиган бўлса, 2100 йилга бориб планетамизда 15 миллиард одам бир-бирлари билан мурасою мадора қилишга мажбур бўлади.



⇒ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қурбон ҳайитининг биринчи куни 6 ноябрга тўғри келиши ҳақидаги мурожаати инобатга олиниб, ушбу кун мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланиши қайд этилган.

■ 28 октябрь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда келгуси йилда мамлакатни ривожлантиришнинг бир қатор энг муҳим молиявий-иқтисодий ва дастурий ҳужжатлари: 2012 йилга асосий макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳалари кўриб чиқилди.

■ 28 октябрь куни пойтахтимизда «Ўзбекистон: БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича конференцияси сари — «Рио +20» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

■ Токиода «JATA Tourism Forum & Travel Showcase 2011» деб номланган халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Юртимиздан ҳам вакиллар иштирок этган мазкур кўргазмада жаҳоннинг 144 мамлакатидан 700 дан зиёд компания ва ташкилотлар қатнашди.

■ Сингапурда «Ўзбекистон — Буюк ипак йўли ганжиниси» номли махсус журнал чоп этилди. Унда Ўзбекистоннинг замонавий қиёфаси ва бой тарихий мероси, мамлакатимизда таълим, маданият, иқтисодий ҳамда сайёҳлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқ-муваффақиятлар тўғрисида мазмунан бой мақолалар ранг-баранг суратлар билан чоп этилган.

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдида



Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда.)

Яқинда интернет сайтларининг бирида анча йиллардан буён тинчлик кўним топмаётган мамлакатлардан биридаги йигитнинг аччиқ изтиробларга тўла ҳасратини ўқиб қолдим. «Исмим Сокин бўлса-да, унга мос ҳаётни ҳали кўрганм йўқ. Урушнинг ичида туғилдим, она алласи ўрнига ўқ овозларию портлашлар овозини эшитиб катта бўлдим. Автомату пичоқлар олдин ўйинчоғим, кейин эса ўзимни ҳимоя қиладиган қуролга айланди. Илгари тирик қолиш ягона мақсадим эди, бугун эса шунга эришиш ҳам жуда қийиндек туюлади», дейди энди йигирмадан ошган йигит.

Ха, хонадонимиздаги осудалик, осмонимиз муссаффолиги, бир сўз билан айтганда, бугунги озод ва обод ҳаётимиз, шубҳасиз, миллий армиямизни ислоҳ этиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ишлар туфайлидир. Зеро, миллий армиямизни барпо этиш мустақилликни қўлга киритиш тарихи билан узвий боғлиқ.

ВАТАН ҲИМОЯСИ – ЭНГ МУҚАДДАС БУРЧ

Инсоният тарихидаги энг ривожланган даврда яшаётган. Фан-техника тараққиёти янги-янги босқичларга кўтарилмоқда, одамларга қулай шарт-шароит имкониятлар яратилмоқда. Бироқ тинчлик, ҳаёт аввалида бўлганидек, ҳозир ҳам энг тансиқ неъмат. Бунининг ҳар кунги манзараси инсониятга бот-бот эслатиб турибди.

Буларнинг барчаси бизни ягона мақсадга — мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ҳаётимизни тинчлик ва барқарорлик асосига қуриш, унинг негизда тараққиётга эришиш борасида амалга оширилган ишларнинг ҳаётини самараларини англаб етган ва қадрлаган ҳолда халқимиз танлаган истиқлол ва ривожланиш йўлини изчил давом эттиришга ҳисса қўшиб яшашга ундайди.

ТИНЧЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ТОМИРИ

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган энг катта бойлик, шубҳасиз, тинч-тотув ҳаётимиздир.

Узоққа бормайлик: биргина ўтган ҳафтада Қаршининг «Насаф» футбол клубининг Осиё футбол конфедерацияси кубоги соҳиби бўлди, таникли полвонимиз Абдулла Тангриев

Россияда дзюдо бўйича мутлақ ваэн тоифасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб чиқди, юртимизда халқаро ярмаркалару санъат ҳафталиги ўтказилди... Агар мустақиллик, бугунгидек осуда ва тўкин ҳаёт бўлмаганида, табиийки, кўникиб бораётганимиз — шундай ютуқларни фақат тушда кўрардик, улар кўнглимизга сиғмас ҳам эди.

БАЁНОТЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ИШЛАР БИР-БИРИГА ЗИД КЕЛГАНДА

«Ховар» агентлиги 2011 йил 26 октябрь куни Тожикистон Республикаси ҳукуматининг Роғун ГЭСи қурилишидаги ишларнинг боришига оид расмий баёнотини эълон қилди.

Баёнотнинг асосий маъно-мазмунини Тожикистон томони Роғун ГЭСи лойиҳасини халқаро экспертизадан ўтказиш бўйича Жаҳон банки билан тузилган битимга қатъий амал қилишда давом этаётганини ва лойиҳа халқаро экспертизасининг яқиний натижаларини кутмасдан Амударёнинг ирмоғи — Вахш дарёси оқимини тўсиш бўйича дастлабки босқичдаги ишларга киришмоқчи эмаслигини таъкидлашга қаратилган.

Халқаро экспертлар ишига гўёки ҳеч қандай тўсқинлик қилинмапти, Роғун ГЭСи иншоотида амалга оширилаётган барча ишлар эса фақат таъмирлаш-тиклаш хусусиятига эга.

Келинг, аниқ фактларга мурожаат этайлик. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг мазкур баёнотида «Роғун ГЭСининг техник имкониятлари, иқтисодий самарадорлиги, экологик хавфсизлиги кўп марта текширувдан ўтказилган ва ушбу лойиҳа бирор марта ҳам салбий баҳо олмаган», деб таъкидланади.

Бироқ бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Маълумки, Роғун ГЭСи қурилишига оид лойиҳа ўтган асрнинг 70-йиллари, яъни шўролар даврида тайёрланган ва ҳеч қандай экспертизадан, чунончи, ҳолис халқаро экспертизадан ўтказилмаган. СССР парчаланиб кетгач, ушбу объектдаги ишлар ҳам тўхтатилган. Айнан шунинг учун ҳам Тожикистон томони объектни экспертизадан ўтказиш масаласи юзасидан ҳозирги кунга қадар ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмаётди.

Роғун ГЭСи лойиҳаси билан таниш бўлганлар учун сир эмаски, баландлиги 335 метрлик улкан тўғон қурилиши учун танланган майдон ер қобиғининг сейсмодетоник ёригида жойлашган бўлиб, мазкур ҳудудда ер қатламнинг силжиши кузатилади ҳамда ювилиб кетиш эҳтимоли кучли бўлган қалинлиги қарийб 100 метрни ташкил этувчи улкан түз қатлами мавжуд.

2»

ОБУНА — 2012

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! «HURRIYAT» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжихатлик билан бажарётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. Маълумингизки, 2012 йил учун обуна давом эттирилмоқда.

«HURRIYAT» ГАЗЕТАСИ СIZНИНГ ДОИМИЙ ХАМРОҲИНИГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ



Эслатиб ўтамиз: «HURRIYAT»нинг нашр индекси — 233

Ифтхор

Ғалабалар юрти бу!



Бунининг кеча дунё бўйлаб чақиндай чақнаб, яшиндай ярқираб бир хушхабар тарқалди: «Насаф» — чемпион! «Насаф» — Осиё футбол конфедерацияси кубоги соҳиби! Финал ўйинида «Қувейт СК» клубини мағлуб этган ўзбекистонлик футболчилар ОФК кубогини қўлга киритди!»

6»

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ЭНГ МУҚАДДАС БУРЧ

Тадбир



БЕБАҲО НЕЪМАТ

Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртдошларимиз осоишталиги бебаҳо неъмат. Ана шу муқаддас неъмат, дорилмомон кунлар учун шукр қилиш, уни қўз қорачиғидек асраб-авайлаш ўзини шу юрт келажагига дахлдор деб билган ҳар бир киши учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Термиз минтақавий темир йўл узели ва унинг таркибидаги Термиз локомотив депосида "Мамлакат ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш — бош мақсадимиз" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатидида айтиш мумкин алоҳида урғу берилди.

Давра суҳбатидида сўзга чиққан халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати, социология фанлари номзоди, "Сихаттоҳ" санаторийси бош шифокори Тошпўлат Матибобов жумладан, шундай деди:

— Юртимиз барча соҳаларда салмоқли натижаларни қўлга киритиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топмоқда. Бунга истиқлол шарофати тўғрисида эришилди. Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш лиллаюларидан илдам одимлаётган юртимизда қай бир соҳани олманг, ҳуқуқий база мустаҳкамланган, истиқбол учун барча шарт-шароитлар яратилганлигини гувоҳи бўласиз.

Дарҳақиқат, бундай кунларни қўзга тўғий айланган, арзийди. Афсуски, инсоният техника, илм-фан ва глобаллашув асрида ашайётган бир паллада турли муаммоларнинг юзга қалқиб чиқиши хоҳлари учраб туради. Шу боис, одамлар ҳар доим сергак бўлиши зарур. Зеро, Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, "Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туяладиган қичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, қўзга қўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён этказиши мумкин.

Қарда ҳушёрлик ва жонқурлик, юксак ақл-иқдор ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.

Давра суҳбатидида сўз олган маърузачилар оғоҳлик давр талаби эканини қайта-қайта таъкидладилар. Тадбир доирасида "Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда" фильми намойиш этилди. Маърузаларнинг бевосита давоми бўлган мазкур фильм иштирокида катта қизиқиш уйғотди.

ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлили, муаммолар ҳамда уларнинг ечими, шунингдек, келгусидаги режалар хусусида маълумот берилди.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашда касаба уюшма ташкилотлари фаол иштирок этмоқда, деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси Танзила Норбоева. — Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида федерация фаолияти сезиларли даражада ошди. Жумладан, Республика Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Бош келишув имзоланди. Мазкур ҳужжат касаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқишда катта аҳамиятга эга.

Бугунги кунда ўз сафиди 7 миллионга яқин аъзони бирлаштирган касаба уюшмаларнинг 14 та ҳудудий, 11 та тармоқ ташкилотларининг фаолияти тобора кенгайиб бормоқда.

Касаба уюшмаларининг асосий йўналиши бандлик, ойлик маошларининг ўз вақтида ва белгиланган миқдорда тўланиши, меҳнат ҳавфсизлиги, ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояни ташкил этади. Бундан ташқари, меҳнаткашларни соғломлаштириш, маънавий-маърифий йўналишдаги ишлар, ёшларнинг касбий тайёргарлигига қўмаклашиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масалалари ҳам тизим вазифалари сирасига кирди.

Ўқоридида қайд этилган йўналишдаги ишларни амалга оширишда, аввало, ижтимоий шериклик тамойилларига тўлиқ риоя қилинмоқда. Корхона, ташкилот, муассасаларда иш бевуви ва касаба уюшмалари ўртасида ижтимоий шериклик тамойилларига асосан ишчи-ҳодимларнинг ҳам меҳнат ҳуқуқлари, ҳам ижтимоий ҳимояси амалиётга татбиқ қилинаётган.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ҳ.ЖУРАЕВА, "Hurriyat" мухбири

(Бошланғич 1-бета)

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

"Эй онаси, хавотир олма, ўғлинг "стройбатъ" деган ўта махфий қисмда хизмат қилади..."

"Абдуллажон" фильмидаги ҳазил аралаш бу гапда ўша давр оталарининг аччиқ изтироби яширин. Собиқ тузум даврида Ўзбекистондан армияга чақирилган йигитлардан асосан қурилиш батальонларида, оғир ишларда фойдаланилгани, уларга бамисоли қандайдир "иккинчи сорт одамлар" деб қаралгани, қолверсам, ўша замондаги носоғлом муҳит оқибатида қанчадан қанча йигитларимиз ҳарбий хизматга ўз оёғи билан кетиб, сўнг... ҳатто ота-онасига ҳам очиб мумкин бўлмаган темир тобутларда қайтгани ҳали унут бўлгани йўқ.

Ана шундай мураккаб вазиятда Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида 1991 йил 6 сентябрда Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилгани ҳеч кимга тобъ ва қарам бўлмаган яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги дадил қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан мазкур вазирликнинг ҳуқуқий мақоми, таркибий тuzилиши ва низомлари тасдиқланди. Вазирлик умумий сафарбарлик, Миллий гвардияни тузиш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий таълим соҳасини бошқариш, ҳарбийга чақириш ва муқobil хизматини ташкил қилиш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий техника ва қурол-яроғларни сақлаш ва тақомиллаштириш каби миллий мустақилликни мустаҳкамлаш борасидаги энг муҳим вазифаларни бажаришга киришди.

1992 йил 14 январь кuni давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ҳудудидидаги барча Куролли Кучларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Ўша кундан миллий армиямизга асос солинди.

Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бешинчи бўлим йигирма олтинчи боби мудофаа ва ҳавфсизлик масалаларига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари мамлакатимизнинг давлат суверенитетини ва ҳудудий ахиллигини, халқимизнинг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада куролли кучларига эга эканлиги қатъий белгиланган бўлиди.

1993 йилдан 14 январь мамлакатимизда миллий байрам — Ватан ҳимоячилари кuni, деб эълон қилинди.

Бугун халқимиз бу кунни катта байрам, буюк ва муқаддас Ватанимиз тақдирини ўз тақдирини деб билган мардлар байрами сифатида хурсандчилик билан тантана қилади. Зеро, байрам миллат тақдирини ва ҳаётига дахлдор бўлсагина, унинг шуқуҳи ва руҳи халқнинг кўнглидан, маънавиятидан чуқур жой олади.

МАҚСАДЛИ ТИЗИМ САМАРАЛАРИ

Мустақиллик йилларида юртимизда барча талабаларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армияни барпо этиш ўз-ўзидан бўлган йўқ, албатта.

1990 йилда миллий офицерлар юртимиздаги ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини ташкил этар, республикамиздаги мавжуд Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик (ўша даврда Тошкент олий танк кўмондонлик билим юрти), Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юртиларида бармоқ билан санарли миллий мутахассислар тайёрланар эди. Ҳарбий таълим соҳасини профессионализмдан ташқари, миллий истиқлол гоилари асосида тубдан қайта ташкил этиш, Куролли Кучларимизни ҳар қандай ҳавф-хатарни чуқур таҳлил қилишга қодир, тезкор қарорлар қабул қила оладиган, замонавий билим ва тафаккурга эга, юксак маънавиятга эга офицер кадрлар билан тўлдириш давр талабига айланганди.

Дунёдаги айрим иқтисодий жиҳатдан бақувват давлатлар катта маблағ эвазига четдан ёлланган ҳарбийларга таъинишни маъқул кўрган бир пайтда Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ҳарбий таълимни ривожлантиришга, миллий армиямиз сафларини миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимиз сувини ичиб, тузини татиған, серқуёш заманимизда тарбия тоған, вояга етган ўз йигитларимиз билан кенгайтиришга катта эътибор қаратилди.

Шу мақсадда ўтган йилларда олий ҳарбий билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантилди. 1993 йилда Тошкент ахборот технологиялари университетининг алоқачилар тайёрлайдиган Махсус факультети, 1994 йилда Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, 1995 йилда Олий кўмондонлик таркибидидаги офицерларни тайёрлаш мақ-

садида Марказий Осиёдаги ягона Куролли Кучлар академияси ташкил этилди.

— Бугунги кунда Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида Куролли Кучларимиз учун 28 йўналиш бўйича юқори малакали офицер кадрлар тайёрланмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг масъул ҳодими, подполковник Алипошоҳ Аҳмедов. — Офицер кадрларни тайёрлаш, малакасини оширишда замонавий ахборот технологиялари ва симуляция воситаларидан кенг фойдаланилмоқда. Уларнинг ҳарбий мутахассис сифатидаги маҳорати, билим, кўникма ва малакасини ҳамда маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтириш ишлари уйғун олиб бориламоқда. Бу миллий армиямиз сафларини ҳар жиҳатдан соғлом, бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга офицер кадрлар билан таъминлаш борасида мамлакатимизда яратилган самарали тизим бераётган юксак самаралардандир.

ЭРТАНГИ КУНИМИЗ КАФОЛАТИ

Тарих гувоҳ: кимки ўз армиясини етарлига таъминламаса, ўзгалар армиясини боқшига мажбур бўлади. Мамлакатимизда 90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарама-қарши, ҳарбийларнинг хизмат ва яшаш шароитини замон талаблари даражасига кўтариш, ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш масалаларига давлатий томонидан улкан эътибор қаратилди. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиши йўлга қўйиш, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитларни рағбатлантириш бунинг ёрқин далилидир.

Барча ҳарбий тузилмаларни ягона қудратли тизимга бирлаштирилган Куролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашувини қайта кўриб чиқилди. Уларнинг принципал жиҳатдан мутлақо янги ташкилий-таркибий тузилмаси жорий этилди, бошқарув ва тузилмаларнинг бир-бирини тақроллайдиган, кам самарали бўғинлари тугатилди. Бу, ўз навбатида, мазкур бошқарув ва тузилмаларнинг ҳаракатчанлиги, тезкорлиги ҳамда жанговар қобилиятини ошириш имконини берди.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркибининг сезиларли даражада кенгайгани, сафарбарлик-чақируви резервидидаги ҳарбий хизматнинг жорий этилган

ни армиямизнинг қиёфасини, мазмун-моҳияти ва жанговар имкониятларини, ҳарбий жамоалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни принципал жиҳатдан тубдан ўзгартирди.

Бунинг натижасида илгари йигитлар имкон қадар армияга бормасликка ҳаракат қилган бўлса, ҳозир аскар бўлиш учун соғлом рақобат юзга келди. Олдин йигитлар соғлом ё носоғломлигига қарамай, олакурқоқ кийимларда, йиги-сиги билан поездларга босилиб, узок ўлкаларга олиб кетилган бўлса, бугун чақирилувчилар муддатли ҳарбий хизматга тиббий, жисмоний ва интеллектуал кўрик асосида саралаб олинмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқаролар мамлакатимиз олий ўқув юртлирига ўқишга киришда тест синовларида тўллаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорда имтиёзли баллга эга бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, "Қамолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва тўлов-контракт шаклида ўқишга қабул қилинган талабаларга, улар ўқиш даврида фаоллигини намойиш этса, контракт суммасининг 35 фоизини моддий ёрдам тарихида тўлаб беради.

...Сурхондарёлик Абдулла Омонқулов жорий йилда Самарқанддаги ҳарбий қисмлардан бирида ўз йигитлик бурчинини ўтаб келган, тегишли тавсиянома асосидаги имтиёзли балл билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг телевидение ва радиолоқа эшитирилган факультетига ўқишга қабул қилинди.

— Ҳарбий хизматда мен фақат жисмоний эмас, балки ақлдан, маънан ва руҳан ҳам чиққим, — дейди Абдулла. — Касб сирларини пухта эгаллашга, курсдошларимга ҳар томонлама ўрнак бўлишга ҳаракат қилганман. Касбим тўғрисида кўпроқ тоғли шароитларда ишлашга тўғри келадди, ана шундай ҳарбий хизматда олган кўникмаларим менга ақотиши шубҳасиз.

Ҳа, миллий армиямиз сафлари мустақил яшаш ҳуқуқининг қадрига етадиган, ўз кучига ишонган йигитлар билан кенгайиб бормоқда. Улар эртанги ҳаётимиз тинчлиги ва фаровонлигининг ҳам ишончли қафолатидир.

ЭНГ УЛУФ ҚАСАМ БУ — ВАТАНГА ҚАСАМ

Бош Қомусимизда белгиланганидек, Ватанимизни ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг

Умид ЁҚУБОВ, ЎЗА Шарҳловчиси

БАЁНОТЛАР БИЛАН АМАЛИЙ ИШЛАР БИР-БИРИГА ЗИД КЕЛГАНДА

(Бошланғич 1-бета)

Табиийки, бундай сабаблар, бошқа кўпчилик сингарини, экспертиза ўтказаяётган халқаро консорциум мутахассисларида ҳам лойиҳанинг ҳавфсизлиги борасида жиддий шубҳа уйғотмоқда. Хусусан, тўғон барпо этилиши мўлжалланган жой — майдон сейсмостоктик ёриғда, туз қатлами устида жойлашганини ҳисобга оладиган бўлса, мазкур ҳудуднинг мустаҳкамлиги ва ишончилигини текширмасдан туриб у ерда тўғон қуриш ҳақида уйлашнинг ўзи ҳам мантқиққа зиддир. Боз устига, Роғун ГЭСини барпо этиш кўзда тутилган зона Рихтер шкаласи бўйича 8-10 балли зилзилалар тез-тез содир бўладиган сейсмик фаол ҳудудда жойлашган. Экспертларнинг бундай асосли ва қонуний талаблари Тожикистон томонидан қўйилаётган турли тўсиқларга дуч келмоқда. Чунончи, Тожикистон томони экспертиза жараёнида разведка бурғилаш ишларини истисно этишга

жон-жаҳди билан уринмоқда. Ўз навбатида, бу халқаро консорциум экспертлари билан Тожикистон ҳокимияти органлари ўртасида жиддий келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, Тожикистон ҳукуматининг бу борада халқаро консорциум билан тўлиқ ҳамкорлик эканига оид баёноти ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Тожикистон саноат ва энергетика вазири Ш.Гулнинг ушбу лойиҳанинг экологик ва ижтимоий экспертизаси натижалари қандай бўлишидан қатъи назар, Тожикистон томони ўзининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича ишлар давом эттириш тўғрисидаги қарорини ўзгартирмаслиги ҳақидаги баёноти оммавий ахборот воситаларида кўп бор эълон қилинди.

Тожикистон раҳбарияти жорий йил охирига қадар тўғон қурилиши учун Вахш дарёсини тўсиш бўйича ишларни бошлашни режалаштираётгани Жаҳон банк мутахассисларига яқин маълум. Яъни, халқаро экспертиза якунланишини кут-

масдан, баландлиги 120 метрлик оралик тўғонни қуриб битказиш ва шу тарихда халқаро ҳамжамиятнинг танг аҳволга солиб қўйиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСи ҳудудига ҳозирги вақтда фақат таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилаётган, деган баёноти ҳам ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Акс ҳолда, 2010 йилда «таъмирлаш-тиклаш ишлари» деб аталган ишларга фақат давлат бюджетидан қарий 150 миллион АҚШ доллари сарфланганини қандай изоҳлаш мумкин? Жорий йилда бундай ишлар учун бюджетдан яна 191 миллион доллар сарфлаш назарда тутилган. Ва, ниҳоят, 2012 йил учун бюджет лойиҳасида ушбу мақсадлар учун 223 миллион доллар ажратиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Роғун ГЭСи майдонида қарий беш минг киши ишлаётгани ҳам маълум. Таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бу даражада кўп ишчи кучи талаб этилмаслигини барча жуда

яқши билади.

Тожикистон ҳукуматининг баёнотида юқорида келтирилган бундай фактлар ҳақида лом-мим дейилмагани, мамлакат раҳбарларининг халқаро жамоатчиликдан бу борадаги ҳақиқий вазиятни яширишга бўлган наватдаги қайсарона уринишдан ва юз бериши мумкин бўлган ҳалокатли техноген, экологик ва социал оқибатларга қарама-қарши Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга ошириш ниятидан қайтмоқчи эмаслигини бошқа нарса эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тожикистон раҳбариятига йўланган мустақил халқаро экспертларнинг фикрига қулоқ тутиш ва дунё тажрибасида қурилиши аллақачон тўхтатилган бундай йирик, жаҳондаги энг баланд тўғон барпо этиш ниятидан воз кечиш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш борасида муқобил манбалар топиш, жумладан, кичик ГЭСлар қуриш хусусидаги баёнот ва давлатлар эътиборсиз қолдирилган афсусланарлидир.

Айём шуқуҳи

Мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлиги фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари қатори олий қадрият саналади. Хусусан, ибодатларни эркин адо этиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Мустақиллигимизнинг экин йилларида ноқ Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Омонлик тилаймиз мўътатар юртга

Яна бир неча кундан сўнг юртимизда муборак Қурбон ҳайити тантана қилинади. Шу кун юртдошларимиз анъанага кўра дардманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар оладилар, бир-бирларига соғлик, бахтиёрлик, эл-юртга фаровонлик тилаб, дуога қўл очадилар. Шундай шуқуҳли кунларда республикамиздан Макка ва Мадина шаҳарларига ҳаж амалларини адо этиш учун жўнаб кетган ватандошларимиз ҳам Яратгандан юртимиз тинчлиги, юртдошларимиз омонлигини сўраб, ўз фарз амалларини адо этаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Маълумотларга кўра, Истиқлол шарофати билан 70 миңдан зиёд фуқароларимиз ҳаж, 40 миңдан зиёд умра ибодатларини адо этишга мушарраф бўдилар. Президентимиз Фармонига мувофиқ тузилган Ҳаж ва Умра тadbирларини ташкил этиш масалалари бўйича жамоатчилик кенгаши зиёратчиларимизга янада қулай шароитларни яратиб бermoқда. Хусусан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси томонидан Тошкент — Мадина ва Жидда — Тошкент йўналишида авиарейслар мунтазам қатнаб турибди. Илгари барча зиёратчилар Тошкент шаҳрига келиб, шу ерда ҳаж сафарига жўна эди. Бу йил Наманган, Андижон ва Фаргона вилоятлари зиёратчилари Наманган, Сурхондарё вилояти ҳожилари Термиз, Қорақалпоғистон ва Хоразм вилояти зиёратчилари Урганч, Қашқадарё, Наво-



ий ва Бухоро вилоятлари зиёратчилари Бухоро халқаро аэропортларида муборак сафарга йўл олдилар. Бундан ташқари, юртдошларимиз зиёрат олдидан хо-рижий мамлакатнинг иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, тиббий кўриқдан ўтказиладди.

Зиёратлар адо этилган, Ватанга қайтиш чоғида ҳожиларнинг юк-лари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳодимлари томонидан меҳмонхонанинг ўзидек қабул қилиниб, махсус контейнерларга юкланиб, тўғри Жидда аэропортига етказиб берилди.

Ҳаж амаллари бажариладиган Мино, Арафот ва Муздалифа водийсида ҳам ҳожиларимиз ибодатларни эмин-эркин, мукамал адо этишларида ҳаж ишчи гуруҳи аъзолари, гуруҳ раҳбарлари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Улуг айём арафасида бошлаган ҳар бир сайёҳаракатимиз бароридан келишини, юртимиз тинч, турмушимиз бундан ҳам фаровон бўлишини Яратганининг ўзидан тилаб қоламиз. Халқимиз учун шундай имкониятларни яратилишига раҳнамолик қилган барча раҳбарларимизга сийҳат-саломатлик, умрлари зиёда бўлишини сўраймиз.

Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин! **ОДИЛЖОН ИСМОИЛОВ,** Тошкент шаҳридаги «Шайх Зайноддин» жомеъ масжиди имом хатиби

ЖАРАЁН

▼ Бу шундай туйғуки...

Ребекканинг Ўзбекистондаги хайратлари

Буюк Британияда кўшнилари ўзаро олди-берди у ёқда турсин, ҳатто бир-бирларини танишмайди ҳам. Лекин мен ижарага олган уйнинг юқори қаватида яшайдиган кўшнинг Ребекка бошқача чиқиб қолди. Унда халқимизга хос кўшничлик, жамоавийлик қадриятларини улғулаш фазилатлари бор экан. Шу сабабми, турмуш ўртоғим билан тезда иноқлашиб кетди. Ҳатто рафиқамдан бир неча миллий таомларимизни пиширишни ҳам ўрганди.

Ребекка билан Уэльс пойтахтидаги Кардифф университетида бирга ўқиймиз. У ислом дини ва маданияти бўйича тадқиқот олиб боради. Кўплаб Яқин Шарқ мамлакатларида бўлиб, у ердаги аҳолининг ҳаётини яқиндан ўрганишга улгурган. Бир гал унга башариятнинг тафаккур ўчоқларидан бири бўлган Ўзбекистонга саёҳат қилишни таклиф қилдим.

Шу йил ёзда онам ва яқинларимизни кўриш истагида юрт меҳрини кўмсаб йўлга отланар эканмиз, у бизнинг хонадонда бир ой олдин бошланиб кетган сафар тадоригини кўриб, ҳаваси келди. Шунда биз билан бирга келишни қатъий эканини айтиб қолди. Бажонидил рози бўлди.

Тошкент аэропортига келиб қўганимизда, соат эрталабки 9 бўлмасдан ҳаво иссиқ эди. Аэропортдан ташқарида бизни 30 нафарга яқин ака-укаларимиз, қариндош-дўстларимиз кўтиб олишди. Уйда биз учун катта дастурхон ёзилди. Буни кўрган Ребекканинг хайрати тилга кўчди: «Бизда бунақа дастурхонлар фақатгина тўйда бўлади». Дастурхондаги турли-туман ноз-неъматлар юртим кўши тафтида фарқ пилган. Британияда далада пилган бундай помидор-бодринглар жуда қиммат туради. Уларни доимий сотиб олиб ейишга ҳаммамнинг ҳам қурби етмайди. Ребекка ҳам ростино айтиб қўя қолди: «Ин-тернетда доим юртингиздаги муаммолар ҳақида ёзилади. Шу боис, тасаввурим бутунлай бошқача эди. Наҳотки, сизларда ҳамма шунақа бой бўлса?»

«Дастлаб меҳмонни пойтахтимизда мустақиллик йилларида рўй берган ўзгаришлар билан таништиришдан бошладим. Биз жойлашган уй Юнусобод туманига яқин бўлгани учун биринчи Шаҳидлар хиббонига бордик. Бу ердаги музейнинг нимқоронгу хоналарида халқимизнинг эркидан маҳрум қилинган ўтмиш тасвирларини кўраётган эканмиз, мен қатори хоржилик меҳмоннинг юзиди ҳам гамгин кайфият акс этди. Сўнг музейнинг энг охиридаги катта, чароғон залга чиқиб, порлоқ ҳаёт, ҳашаматли обидларимиз, халқ мулки бўлган биналарнинг суратларини томоша қила туриб, иккаламизнинг юзимизда ҳам кайтадан қувонч порлади.

Сўнг мен Ребеккага: «Кел, Тошкент метросини бир кўр, баҳо бер», — дедим. У эса бу таклифимга бироз хайратланган: «Метро метро-да, уни томоша қилишнинг нима кераги бор?» — деб жавоб берди. Чиндан лондонлик меҳмонни метромиз билан хайратлантиришни ўйлашнинг ўзи файрияти эди. Лекин мен унга метро орқали халқимизнинг бошқа бир жиҳатини кўрсатмоқчи эдим. Шу сабаб кистовларимдан сўнг у истар-истамас рози бўлди.

Биз Тошкент метрополитенига яқин мустақиллик йилларида бунёд этилган Юнусобод йўлидаги бекатдан тушдик. Метро эшигини кирганимиз ҳамон ташқаридаги жазирама иссиқдан қутулиб, бутунлай

бошқа манзарага дуч келдик. Бундан ўзим ҳам ҳаяжонландим. Ребекка эса бутунлай лол эди. У бекатни жиддий ва синчковлик билан худди музейни томоша қилаётгандек кўздан кечирди. Уни ҳар бир бекатдаги меъморий услуб, бе-заklar хайратлантирарди. У: «Наҳотки, метрларнинг шунчалик нафис ва оромбахш. Ас-лида ҳар бир бекатнинг ўзи бир музей экан. Метрони кўрсатмоқчи бўлганимда, уна-маганим учун уз сўрайман. Тошкент метроси Лондон метросидан бутунлай фарқ қилар-кан», — деганича таассуротла-ри билан ўртоқлашди. — Биринчидан, ўта озодалиги билан ажралиб туради. Одатда Лон-дон метроси ўқиб, ташлаб ке-лини қатъий эканини айтиб қолди. Бажонидил рози бўлди.

Тошкент аэропортига келиб қўганимизда, соат эрталабки 9 бўлмасдан ҳаво иссиқ эди. Аэропортдан ташқарида бизни 30 нафарга яқин ака-укаларимиз, қариндош-дўстларимиз кўтиб олишди. Уйда биз учун катта дастурхон ёзилди. Буни кўрган Ребекканинг хайрати тилга кўчди: «Бизда бунақа дастурхонлар фақатгина тўйда бўлади». Дастурхондаги турли-туман ноз-неъматлар юртим кўши тафтида фарқ пилган. Британияда далада пилган бундай помидор-бодринглар жуда қиммат туради. Уларни доимий сотиб олиб ейишга ҳаммамнинг ҳам қурби етмайди. Ребекка ҳам ростино айтиб қўя қолди: «Ин-тернетда доим юртингиздаги муаммолар ҳақида ёзилади. Шу боис, тасаввурим бутунлай бошқача эди. Наҳотки, сизларда ҳамма шунақа бой бўлса?»

«Дастлаб меҳмонни пойтахтимизда мустақиллик йилларида рўй берган ўзгаришлар билан таништиришдан бошладим. Биз жойлашган уй Юнусобод туманига яқин бўлгани учун биринчи Шаҳидлар хиббонига бордик. Бу ердаги музейнинг нимқоронгу хоналарида халқимизнинг эркидан маҳрум қилинган ўтмиш тасвирларини кўраётган эканмиз, мен қатори хоржилик меҳмоннинг юзиди ҳам гамгин кайфият акс этди. Сўнг музейнинг энг охиридаги катта, чароғон залга чиқиб, порлоқ ҳаёт, ҳашаматли обидларимиз, халқ мулки бўлган биналарнинг суратларини томоша қила туриб, иккаламизнинг юзимизда ҳам кайтадан қувонч порлади.



Ребекка Самарқанда.

лаш у ёқда турсин, ҳатто чиқиндиларни ахлат қутиларга элаб солишмайди. Биз бу сис-темане ўз турмуш тарзимизга табиқ қилмас бўлар экан». Кейинги сайримиз Муста-қиллик майдонида кўчди. Мен меҳмонга собиқ тузум даври-да бу ер қалин бетон плита-рига тўшалган майдон бўлган-ни, фақат ҳарбий техника-ларни параддан ўтказиш учун фойдаланилганини, мустақил-лик йилларида мана шундай гўзал масканга айланганини гапириб бердим. Майдоннинг салқин, озодалиги ва кўклам-зорлиги, жажжи болаларни етаклаб юрган оналар меҳмо-нимизда жуда катта таассурот қолдирди. Фашизмга қарши мардонга курашган ўзбек ўғлонларининг айвонлардаги пештахталарга ўйиб ёзилган ўраб турган маҳобатли бино-лар ўзининг меъморий уйғун-лиги билан ажиб таассурот уй-готад кишида. Хиббон ёнида жойлашган Тошкент давлат юридик институтининг меъмо-рий тузилиши ҳам Ребеккада ахшигина хайрат уйғотди. Ин-ститут ёнидан ўтар эканмиз, бу ерда тозалаш-ободонлашти-риш ишларини олиб бораётган ёшларни учратдик. Мен одат-дагидек бепарво ўтаётганимда, Ребекка сўраб қолди: «Нега бу озода кийинган ёшлар тозалик билан машғул? Улар кўриниши-дан ишчиларга ўхшамайди-ку?»

Мен уларнинг талаба экани-ни ва ўқитувчиси раҳбарлиги-да институт ҳудудини тозала-шаётганини тушунтирдим. У эса хайратдан лол қолди: «Де-мак, келажақда судья, проку-рор ёки адвокат бўлиб етишув-чи ҳуқуқшунос талабалар ўзла-ри ўқийтган даргоҳ ҳудудини тозалигини амалга оширишаёт-ган экан-да!» Мен унга: «Бу-нинг ҳеч хайратланарли жойи йўқ. Бу ўзига хос ҳашар. Ҳар бир ўқув юртида, муассаса, ташкилотда, маҳаллаларда бундай ҳашарлар уюштириб ту-рилади. Ҳатто умумхалқ ҳаша-ри ҳам ўтказилади. Бу тadbир-лар халқни жипслаштиради», — дедим. Ребекка бирпас жим қолди. Кейин: «Нақадар аж-ойиб система», деб юборди. Сўнг гапида давом этиб деди: «Ўзинг ҳам биласан, бизда — Уэльсда талабалар бу каби ўз университетини ҳудудини тоза-

йиллигини нишонлаган ўлка-мизда дунёдаги ривожланган мамлакатларда учрамайдиган қадриятлар мавжуд. Юқориде таъкидлаганимиз оромгоҳлар-да оддий халқ болаларининг дам олиши учун яратилган шарт-шароитлар Фарбдаги ўзини бой деб билган мамла-катларда учрамайди. Яна бир мисол келтирсам. Уша Фарб-даги бой мамлакатларнинг бир-ортасида Ўзбекистондагидек оддий ўқув юртли талабалар-га давлат гранти учун ўрин ажратилмайди. Ойма-ой стил-пенди берилмайди. Олис қишлоқларда қўрилган янги мактаблар ва коллежларнинг бинолари Англидаги баъзи университетларнинг биносидан ҳам ҳашаматлироқ.

Ребеккага қишлоқ ҳаёти жуда ёқди. У, айниқса, чалоп (айрон)ни жуда ёқтирди. Жа-зирама офтоб тафтини олади-га бу ичмиллигимиз унинг энг сеvimли эрмагига айланди. У Кардиффга борганимда ичиб турман, деб чалопни қандай тайёрлашни ҳам астойдил ўрганиб олди. У: «Афсу-с, ерда бунчалик ширин бўлмаса керак?! Чунки бизда полиз маҳ-сулотлари сизлардагидек ма-зали эмас-да», — деб бироз нолди.

Самарқанд, Шаҳрисабз каби шаҳарлардаги тарихий ёдгор-ликлар, ўта нафислик билан ишланган мовий гўмбазлар Ре-бекканинг хайрат китобида янги саҳифаларни очди. Бу ки-тобнинг муқоваси Самарқанд-даги Регистон ансамбли бўлди, десам муболага қилмаган бўламан. Бетақдор нафислик билан ишланган нақшларни ти-нинсиз суратга оларкан, у: «Қошки бу суратлар ўз кўзи-нгиз билан кўргандагидек тасав-вур бера олса», — деб афсу-сланди ҳам. Бу ерда меҳнат қилаётган хунармандларнинг нафис миллий либослари ва бе-закарли Ребеккани бутунлай ўзига ром этган эди. Мен бу қадимий шаҳарларимизнинг нақадар гўзал ва мафтункор эканини унинг юз-кўзларидеги ҳаяжон хайратларда кўраётган экан, яна бир бор улуг тарихга эга бўлган халқ фарзанди экан-лигини гўрурландим.

Ребекка Самарқандда аёл-ларнинг каштали либосларидан бир талайини сотиб оларкан:

«Мен бу кийимларни юртимда кийиб юрмоқчиман», — деди. Айниқса, келинларимиз қияди-ган қуббали ва каштали либос-ларни роса ёқтириб қолди. У бу либосларни бўлажак тўйи-да худди ўзбек келинларидек кийиши учун харид қилди.

Ўзи асли Ислон дини ва ма-данияти бўйича тадқиқот олиб бораётган британилик меҳмон учун Имом Ал-Бухорий зиёрат-гоҳи сафари оддий саёҳат-дан кўра кўпроқ нарсани ан-глатди. Ребекканинг таассурот-лари чексиз эди. Атрофининг гўзаллиги, сокинлиги, озодали-ги, буларнинг барчаси уни мафтун этди. Ребекка маъкур мақбаранинг мустақиллик йил-ларида барпо этилганини эзи-тиб, хангу манг бўлиб қолди. «Наҳотки, бу қадар нафис жи-лоларга бой нақшкор имо-ратларни бугун ҳам барпо этиш мумкин бўлса? Демак, Ўзбекистонда бугун ҳам уста ва хунармандлар бу миллий ар-хитектура сирларини унутиб юборишмаган экан-да?! Бу сизларнинг энг катта ютуқла-рингиз», — дея хайратини биз билан баҳам кўрди у.

Ребекканинг Ўзбекистонга саёҳати Ватанимиз мустақил-лигининг йилгирма йиллик бай-рами арафасида амалга ошди. Европада тижорий реклама-ларга кўзи ўрганиб қолган Ре-бекка Ўзбекистонда байрам арафасида илган ижтимоий рекламаларни кўриб хайрати-га хайрат кўшилди. Сафар сўнггида таассуротлар билан ўртоқлашаркан, турли дин ва миллат вакилларининг тинч-то-вув яшаётгани, кенг, раван йўллар, Европада қолишмай-диган замонавий шаҳарлари-мизни кўриб «Бундай бунёд-корликларнинг таърифи йўқ», — деди ҳаяжон билан. Сўнг «Ўзбекистон халқи қўлни бустонга айлантирган одамлар экан», — дея лутф қилди.

Ребекка Уэльсга қайтиши арафасида, албатта, яна кели-шини қайта-қайта такрорлади. «Ўқиймиз, илмий ишим ва ке-лажагим юртлиларингиз билан боғлиқ. Қанча келиш керак бўлса, шунча келаман», — деди қатъий билан.

Фарход ХАЗРАТҚУЛОВ,
Кардифф университети
магистранти
Буюк Британия

Замондошларимиз

Инсон доим жамиятда ўз ўрнини топишга, севган касбининг эгаси бўлишга, муносиб шо-гирдлар тарбиялаб, уларнинг ютуқларини кўришга интилади. Буларнинг барчасига эриш-ган одам ўзини шак-шубҳасиз, бахтли деб ҳисоблайди. Бахтни тушуниш эса ҳаёт мазму-нини нимада кўришга боғлиқ. Инсонлар бунга ўз билими, машаққатли меҳнати, касбига садо-қати, инсонийлик фазилатлари эвазига эриша-дилар. Юртимизда бундай шарафга эришган кишилар кўп. Ана шундай инсонлардан бири Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бош методисти Зухра Рўзметовадир.

Муаллиманинг бахти

Зухра опа мана, 36 йилдики, таълим со-ҳасида фао-лият юри-тиб келади.

Халқ таълими аълочи-си деган юксак хур-матга эришган замон-дошимиз педагогик фаолиятини 1976 йили мактабгача таъ-лим муассасасида ме-тодистликдан бошла-ган эди. Кейинчалик Урганч шаҳридаги 96-сонли махсус мактаб-интернатда дефектолог-ўқитувчи, вилоят педагог ходим-ларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш инсти-тутида бўлим бошлиғи, вилоят ўқувчилар саройи дирек-тори лавозимларида ишлади.

З.Рўзметова ўзининг интилувчанлиги, ҳалоллиги, ҳар қандай даражадаги ишга масъулият билан ёндашиши ту-файли бугун олий тоифали педагог даражасига эришди. Шунингдек, кўплаб шоғирдлар тарбиялади, таълим соҳа-сини янада ривожлантириш учун астойдил ҳаракат қилди.

— Чин дилдан меҳнат қилган одам унинг роҳатини ҳам кўра экан, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бугун шо-ғирдларим эришаётган муваффақиятларни кўриб қувонаман. Айниқса, улар катта сахналарда шеър ва маъру-залар ўқиганларида қалбим гурур-ифтихорга тўлади, кўзларимда севинч ёшлари қалқийди. Ҳақимизнинг «Ҳеч бир нарсанга осонгина эришиб бўлмайди. Бунга кўп бора гувоҳ бўлганман. Ютуқлар замирида тинимсиз меҳнат, уйқусиз тунлар, сабр-бардош ва қаноат ётади. Шунингдек, истиқлол йилларида таълим соҳасига қар-тилган юксак эътибор натижасида биз — педагогларнинг иш фаолиятимизга янги қарашлар, ёндашувлар кириб келди. Бунинг самараси ўлароқ, давр талабларига мос кайфиятда ишлашга ўрганилди.

Шу ўринда қаҳрамонимиз ҳақида яна бир гап. Ижод-корлик ва ташаббускорликка мойил бўлган Зухра Рўзме-това 1995 йили «Ўқитувчи маҳорати», 1998 йили «Нобел кўргазмалари қуроллар» кўрик-танловларининг вилоят бос-қичида 1-ўринни эгаллади. 1999, 2005 йилларда «Ижод-кор ўқитувчилар» республика анжуманида иштирок этиб, Халқ таълими вазирлиги ва Республика Маънавият тарғи-бот марказининг фахрий ёрликлари билан тақдирланган.

Зухра Рўзметованинг ўзига хос яна бир жиҳати шун-даки, опа ишдан бўш вақтларида бадиий ижоддан лаззат олади. Шу пайтгача унинг «Армуғон» шеърлар тўплами, «Туташ тақдирлар» ҳикоялар тўплами, «Меҳр чашмаси» қиссаси, вилоятдаги илгор тажрибали ўқитувчилар фа-олиятига бағишланган «Зиё юлдузлари» номли китоби нашр қилинган. Шунингдек, муаллиманинг таълим-тарбияга доир долзарб мавзулардаги илмий мақолалари респу-блика ҳамда вилоят газеталарида, «Таълим менежменти», «Тарбия», «Қалқон», «Мактабгача таълим», «Бошланғич таъ-лим», «Соғлом авлод учун», «Ешлик» «Маърифат ёғдуси» журналларида эълон қилиб турилади. Бундай изланиш-лар самараси ўлароқ, унинг 2007 йилда «Маърифат» га-зетасида чоп этилган «Мактаб — ҳаётим мазмуни» номли мақоласи «Йилнинг энг яхши мақоласи» деб топилди. 2008 йилда «Йилнинг энг фаол маънавият тарғибчиси» кўрик-танловининг республика босқичида фахрли II ўринга, 2009 йилда эса I ўринга муносиб кўрилди. Қолаверса, у фао-лияти давомида кўплаб илмий-усулий кўлланмалар, турли хил педагогик тавсиялар ишлаб чиқиб, вилоят халқ таъ-лими тизимидаги ижодкор ўқитувчилар ва иқтидорли ўқув-чилар банкни яратди.

Халқимизда: «Меҳнат, меҳнатнинг тағи роҳат», деган мақол бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам ҳалол, виждонан иш-лаган ҳар бир кишини келажақда улкан зафарлар, муваф-фақиятлар кутиб туради. Зеро, Зухра Рўзметованинг фао-лияти бунга ҳаётини мисол бўла олади. Шундай эмасми?

Азим РЎЗИЕВ,
«Hurriyat» мухбири

▼ Сизни қизиқтирган фаолият

Яхшилар бор экан, йўқолган нарса топилади

Коллежни битирган жияним олий ўқув юртига ҳужжат топшираман деб юрган кунларда тўсатдан дип-ломини йўқотиб қўйди. Сўраб-су-риштиришлардан бирор наф чиқ-мади. Вақт эса тигиз. Ҳадемай ҳуж-жат топшириш муддати ҳам тугай-ди. Энди нима қилиш керак?

Инсоннинг ҳужжати нафақат унинг шахси, балки салоҳияти-ни ҳам белгилаб беради. Тала-банинг рейтинг дафтарчаси, диплом, шаходатнома, талаба-лик гувоҳномаси, сертификат шулар жумласидан. Бироқ баъ-зида эҳтиётсизлик ё эътиборсизлик оқиб-атида уларни йўқотиб қўйиш ҳоллари ҳам учрайди. Енимизда олиб юришимиз лозим бўлган ҳужжатнинг йўқолиши натижасида

бошқа муаммолар ҳам келиб чиқиши мум-кин. Масалан, бор-йўғи талабалик гувоҳно-масини йўқотиб қўйингиз, дейлик. Таби-ийки, ойлик йўл чиптаси усиз ҳақиқий ҳисобланмайди. Шундай экан, бирон ҳуж-жат йўқолганда нусхасини тиклагандан кўра, унинг ўзини топган маъқул.

Хайрият, жиянимнинг муаммоси тезда барҳам топди. Бунда йўқолган буюм ёки расмий ҳужжатларни излаш ва ўз эгалари-га етказиш билан шуғулланувчи Тошкент шаҳар ИИББга қарашли Топилмалар идо-расининг хизмати катта бўлди. Асосан пас-порт, гувоҳнома, жамғарма дафтарчаси, диплом, шаходатнома, турли ташкилотлар-нинг муҳр ва тамгаларини излаш билан шу-

ғулланувчи маъкур ташкилот бир кунда юзга яқин одамни қабул қилади. Шу ўринда та-бийий савол туғилади: бирор ҳужжатини йўқотган юртдошларимиз маъкур идорага қай тартибда мурожаат этишади?

Маълум бўлишича, бирор ҳужжати ёки нарчаси йўқолган фуқаролар дастлаб маъ-кур идорага озгаки ёки ёзма (ариза шак-лида) тарзда мурожаат қилади. Шундан сўнг йўқолган нарсалар икки ҳафта (узоғи бу-лан бир ой) давомида изланади. Агар ку-тилган натижага эришилмаса, мурожаат эт-ган кишига идора томонидан тегишли таш-килотлар кўмагида йўқолган ҳужжатнинг дубликатини олишга асос бўлувчи махсус маълумотнома берилади. Мабодо излана-

ётган ҳужжат жуда зарур бўлса, ариза-чининг иши тезлик билан кўриб чиқилади. Эътиборлиси, Топилмалар идораси фуқаро-ларга бепул хизмат кўрсатади.

— Дастлабки кидирув турли вилоят поч-талари орқали келган топилмаларни кўздан кечиришдан бошланади. Ёшларнинг деяр-ли саксон фоизи диплом масаласида кел-са, энг кўп мурожаатлар паспорт бўйича тушади, — дейди идора ходимаси Лайло Назарова.

Изланаётган ҳужжатларнинг катта қисми (70 фоизи) топиб берилётгани идора хо-димларининг ютуғи, албатта.

— Бу ерга келганларнинг деярли барча-си ҳужжатларининг тезроқ топилишини ис-

ташади, — дейди идора директори Марина Максимова. — Биз имкони борича уларга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Айниқса, ногирон ва кекса фуқароларни уринтирма-лиққа, уларнинг муаммоларини яқин қарин-дошлари орқали тезроқ ҳал қилишга эъти-бор қаратамиз. Баъзилари ҳужжатлари то-пилгандан кейин турли раҳматномалар ёзиб кетишади. Бу каби дил изҳорлари кимни ҳам қувонтирмайди, дейсиз? Маъкур идо-ранинг фаолияти ўзига хос, ходимлари эса касбига фидойи. Ахир одамларнинг муш-кулини оsonлаштиришдан ҳам савоблироқ иш борми дунёда?

Мазҳаб ЭКУБОВА,
ЎзДЖУТ талабаси

Фикр

Мулоҳаза

Ётиғи билан айтганда...

Кўп йиллар олий ўқув юртида ишлаган, кейинчалик савдо соҳасига "Ўтиб кетган" танишимнинг айтган гапи қаттиқ таъсир қилди. Фан номзоди, ҳозир ҳам ўзини зиёли санаб юрган бу инсон билан учрашиб қолганимизда: "Умуман газета ўқимай кўйганман, бошимни қотириб нима қиламан" деса бўладими?!

Хар канча хайратга тушмайлик, янграган бу калом рост эди. Шунга раҳмат. Хизмат жойимиз матбуотда эканини билган, "Ўқиб турибмиз, яхши нарсалар қандай" деб ёлгон гапирчандан кўра очигини айтгани ҳам маъқул...

Шу бир оғиз гап ҳамон кулоғим остида қайтарилиб турибди. Биз кимлар учун ишляймиз? Тунни тонга улаб чекаётган заҳматларимиз ким учун? Зиёлиги ўз ҳаётини газетасиз, кундалик матбуотсиз ўтказибётган экан, бошқалардан нимани кутиш мумкин? Шу саволларни матбуот соҳасида суяги қотган устозларга бердим. Энди журналистика оламига қандай қўйётган ёшлардан сўрадим. Охир-оқибатда бу сўровни виждонимга ҳам қаратдим.

"Бу ҳолдан ажабланманг, ҳар ким таъбиға қараб иш тутайди". "Демак, ўшандай зиёлиларни қизиктира олмайсан эканмиз-да". "Кейинги пайларда таъқиқ қамайиб кетди. Одамлар танқидга ўчди".

"Зиёли ҳам маънавият вакили, унинг савияси гавлаб кетганини бошлаб фойда эши керак".

Сўралганларнинг дунёқараши турлича бўлгани каби, уларнинг жавоблари ҳам бир-бирига ўхшамасди. Лекин муштарак фикр шуки, даврий нашрларимиз жозибдорлигини ошириш борасида қўсурилганимиз ҳам йўқ эмас.

Хўш, бугунги газетанимиз нима қизиктиради? Йилдан-йилга кўпайиб бораётган кўнгилроқ газеталар бу саволга жавоб топишга ҳаракат қилишяпти. Нафақат ички саҳифаларда, муқовада ҳам шов-шувли сарлавҳалар ўша наҳарни сотиб олишга ундайди. "Қабристонда топилган чақалоқ", "Фалончи

артистни нега калтаклашди", "Онанинг котили", "Зиёфатдаги фожиа" каби сўзлар газетхонда қизиқиш уйғотади. Олиб ўқиб кўрсангиз, ҳеч бир факулда гап йўқ. Масалан, артистни ким калтаклабди экан, деб ўқисангиз, у кинода роль ўйнаганда шундай ҳолатга тушган бўлиб чиқади.

Инсон ҳаёти бошдан-оёқ кўнгил очишдан иборат эмас-ку. У бутун-бутун соҳалар, тизимлар фуқаролик жамиятини қуриш, шу йўлда халқ турмуши фаровонлигини яхшилаш мақсадида муҳим ва масъулятни вазидаларни бажаради. Бу борада ижодий қўлларнинг эзгу ва шарафли бурчлари маълум-ку.

Ўзбек журналистикасини кўпинча Европа матбуотидан орақда қолаётганликда айблашади. Бундай қараш моҳият-этиборига кўра хато деган фикрни айтишга журъат қиламан. Бизнинг ва уларнинг "тупроғимиз" бошқа-бошқа жойдан олинган. Айтилик, мустақил даврда "фелъетон" деган жанр бўларди. Фелъетончи қаламига тушган одам дунёдаги жамки салбий сифатлашлар билан "сийланиб", унинг эртанги тақдирини тўғри қамолқонага бориб тақаларди. Адолатли демократик жамиятда ҳар бир одамнинг айби суд орқали исботлангандан кейин эътироф этилади. Уни олдиндан жиноятчи деб айтиш нафақат Ўзбекистон давлати, балки дунёдаги ақсарият давлатлар қонунлариға зиддир.

Халқимиз табиатидан келиб чиққан да ҳам бизнинг матбуотни ўзга жойларнинг мезони билан баҳолаш манъқар, адолатга тўғри келмайди. Андиша, меҳр-оқибат каби фазилатлар аллақимларнинг наздида камчиликдай кўриниши мумкин. Баъзилар учун эта-

лон саналган Европа матбуотига назар ташлайлик. У томондаги даврий нашрларни ўқисангиз, гўё охирига эрта-индин содир бўладигандек, ё бўлмаса осмон жисмлари бир-бирига тўқнашиб кунпаякун бўладигандек ваҳимага тушиб қоласиз. Уларда қайта-қайта ўқтирилишича, дунёни бир ховуч олиғарлар бошқаради, бутун-бутун қишлоқлар йўқликка юз тутиб бораёттир.

Ўзбекистонда кўп ўқиладиган ҳафтаномадан бири газетхонни қизиктирадиган мақолалари билан ном қозongan. Бир вақтлар тиражи бўйича Гиннес рўйхатиға тушган шу оммавий нашрни ўқисангиз ҳам давлат раҳбарлари атрофида ишлаётган амалдорларни ёппасига коррупционер, фақат шахсий бойлик орттирадиган зотлар сифатида тасвирлайди. Эл-юртга таниш алломалар, ёзувчи ва санъаткорлар билан қилинган сўхбатларға эътибор қилсангиз, гўё бутун дунёда маънавият нураб бормоқда, инсоният тубсиз жарға қулаётгандай. Бир лаҳза тўхтанг, ҳамкасб! Матбуотнинг вазифаси жамоатчиликни эзгуликка, бунёдкорликка йўналтиришми ёки сиз каби кўрқув ва ваҳимаға солишимиз, дегинг келайди.

Агар МДХ худудидаги мамлакатнинг аллақайси бурчадаги қишлоқлар унут бўлаётган, мактаблар ёпилиб кетаётган бўлса, бизда давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган инсонпарварлик сийбаси туфайли энг чека жойларда қишлоқ ва овуллар пойтахтдаги вазирлик ҳамда қўмиталар раҳбарлари эътиборида гуллаб-яшнаса, нега энди у томондаги ҳамкасбларимизға жўр бўлишимиз керак?! Биздаги каби муҳташам лицей ва коллеж бинолари қаерда бор?! Кейинги йилларда бизнинг гуруримизға сабаб бўладиган яна бир маскан қўшилди. Булар барча табиий ускуналар билан жиҳозланган, малакали ходимлар ишлаётган қишлоқ врачлик пунктлари эди. Уларда яратилган шарт-шароитлар, ана шу имкониятлардан фойдаланаётган халқнинг кайфияти ҳақида

ёзилган мақолалар, эҳтимол ҳар хил олди-қочди ҳодисалар ҳақидаги белитристикладай жозибадор чиқмас. Лекин доно газетхон асл ҳақиқатни ўзи ажратиб олаверади.

Танқидға муносабат борасида ҳам бизнинг ўз қарашларимиз бор. Аввало, қўлга танқид тигини тутган муаллиф ушбу мамлакатнинг фарзанди, фуқароси эканини унутмаслиғи керак. Жойларда рўй бераётган хато ва камчиликлар ҳақида матбуотда бонг уриш пайтида адолат тарозисининг шайинини тенг туттиши лозим. Нотўғри қўйилган қадам, жамият манфаатиға эид ҳаракат кўрсатиб берилиши билан бир пайтда аҳолини ўнглаш учун қандай иш тутиш лозимлиғи ҳам айтилса, айни мўдда бўлади.

Халқимизда "Ётиғи билан айт" деган ибора бор. Асрий тажрибадан келиб чиқиб айтилган бу ҳикмат ўзига хос доношманлик белгисидир. Ётиғи билан айтилган гап тингловчи томонидан яхши қабул қилинади. Ақсинча, қўққисдан айтилган гапни томдан тараша тушишиға қийс қилишади.

Ўзини жасур ва демократ деб ҳисоблаб келаётган ҳамкасбларимизнинг ёндошуви бизнинг табиатимизға мос келмайди. Улар "ошқоралик" никоҳи остида эл-юрт хурматиға сазовор инсонлар шаъниға тил текизишдан тап тортишмайдди. Бу ҳаракатлар бизда бетгачорлик, безбетлик, андишасизлик деб баҳоланади.


Матбуот саҳифаси — кўпчилик билан мулоқот қиладиган ўзига хос минбардир. Минбарда эса оғзига келган гапни айтиш, аввало, нотикнинг обрўйини туширади. Санъаткорлар орасида "Саҳна — муқаддас жой" деган тушунча бор. Матбуот минбари ҳам саҳна каби эл назаридиғи жойдир. Унда минг-мигдаш газетхонлар онгу шууриға мўлжалланган сўзлар айтилади. Шу ҳақда ўйланганда зиммасиға қанчалик улкан масъулят юклангани кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Шўҳрат ЖАББОРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Тараққиёт

Тараққурнинг учқур маҳсули

Ўз вақтида одамларни хайратга солган ҳар қандай янгилик ёки ихтиро кун ўтиб оддийлик касб этиши ҳақиқат. Илк бор поездини кўриб даҳшатга тушган, самолёт парвозини мўъжизадек кузатган, мўъжазгина кутгичадан таралаётган овозни ҳаяжон билан тинглаган отабоболаримизнинг хайрати ҳамон бизни тарқ этганича йўқ. Зеро, бу хайрат таъсирида яна минглаб ажойиб ихтиролар яратилдики, улар тараққиётни тобора юксак даражаларға кўтармоқда. Шулардан бири — бугун дунёни қамраб олган интернетдир.



унчун ҳар бир "пакет" манзил билан таъминланган бўлиб, агар бирор сабабға кўра у олувчиға етиб бормаса ёки боргунға қадар фактларнинг бузилиши ҳолатлари кузатилса, бундай вазиятларда ахборот қайтадан юбориларди. Шу тарзда 1969 йилға келиб АРПАНЕТ пайдо бўлди. Миллий илмий фонд томонидан илмий компьютерлар тармоғи ташкил қилиниб, АРПАНЕТ билан бирлаштирилган. 1986 йили дунё компьютер тармоғи — интернетнинг қабул қилиниш нуктаси деб топилди.

Шундан буён унинг машҳурлиғи мўдом ўсмоқда, истеъмолчиларнинг сони айрим маълумотларға кўра, ҳар ойда 10 фоиздан ортиб бормоқда. Интернет бугунги кунда электрон хабарларни жўнатиш борасида одамлар ва ғояларнинг учрашув майдонига, шунингдек, ахборот, коммуникация ва ўйинлар дунёсида "масофа" билмас ҳудудға айланиб улгурди. Айнан у миллионлаб одамлар ва юзлаб мамлакатларни бирлаштирди, географик масофани қисқартирди, шунингдек, маданият, фан ва билим соҳасидаги турли кўринмас деворларни олиб ташлади. АҚШ савдо вазирлиғи маълумотиға кўра, радио ўз аудиториясини 50 миллион одамға етказиш учун 30 йил, телевидениеға 13 йил керак бўлган бўлса, интернетға бор-йўғи 4 йил кифоя қилди.

1993 йили дунё бўйича 70 минг одам интернет тармоғидан фойдаланарди. 1999 йилда уларнинг кўрсаткичи 200 миллионға яқинлашди, 2005 йилда эса уларнинг сони 1 миллиардға етди. Интернетдан фойдаланувчиларни худудларға тақсимлайдиган бўлсақ, уларнинг миқдори ҳар жойда турлича экани маълум бўлади. Истеъмолчиларнинг 32 фоизи Европада, 31,45 фоизи Шимолий Америка (АҚШ ва Канада)да бўлса, Яқин Шарқ ва Африкада эса бу кўрсаткич анча паст.

Кейинги пайтда интернет тармоғининг аънавий хизматлар рўйхати янги турдаги турли хизматлар билан бойиб бормоқда: интернет-магазин, электрон аукцион, интернет ёрдами турли хил банк операциялари, персонал молияларни бошқариш, интерактив телеви-

«Сўз билиг саналур»

Ўтмишда яшаб ижод қилган алломалар, шоирлар фузалолар томонидан нотиклик санъати, воизлик, сўзнинг аҳамияти, маъноси ва сўздан ўринли фойдаланиш ҳақида кўплаб дурдона асарлар яратилган.

Кайковус томонидан ёзилган, қадим Шарқ педагогикасининг нодир намуналаридан бири ҳисобланган "Қобуснома"да нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратли фикрлар келтирилган. Масалан, асарнинг 6-7 бобларида муаллиф фарзандиға қилган насиҳатлари орқали ўқувчини ўринли сўзлашға, беҳуда гапирмасликка, бу борада қамтар бўлишға ундайди: "Эй фарзанд, агар сен қанчалар нотиқ бўлсанг ҳам ўзини билганлардан пастроқ туттл. Кўп бил-у, оз сўзла, кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақсиз киши кўп сўзлайди. Деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир".

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг "Қутадғу билиг" асарида сўзларни тўғри қўллаш ҳақида: "Билиб сўзла, сўз билиг саналур", дейди. Шунингдек, қисқа сўзлаш, сўзларға илоҳи борича кўпроқ маъно юклаш ҳақида қўйдиғиларни баён қилади: "Сўзни кўп сўзлама, камроқ сўзла. Туман (минг) туғунни шу бир сўз билан еч. Гапиршдан мақсад сўзловчи кўзда тутган нарса, ҳодиса, воқеаларни тингловчиға тўғри, таъсирчан етказишдан иборат". Ўзбек мўмото адабий тилининг асосини ва ҳимойис бўлган буюк шоир Алишер Навоий ҳам ўз ижодида сўзнинг аҳамияти, уни тўғри, лўнда, мантлики, аниқ ва таъсирли ифодалаш борасида ўзининг "Арбаин" асарида, шунингдек, "Ҳамса" асаридаги беш достонинг ҳар бирида ажойиб фикрларни айтиб ўтган. Жумладан, шоир "Олдига келгани емак ҳайвоннинг иши, оғзига келгани демак нодоннинг иши" деган мисраларни орқали ўйла-масдан, оғзига келганини қайтармасдан гапирш нодон ва жохил кимсаларнинг иши эканини қайд этиб ўтади. Хуллас, нутқ маданияти деганда, содда ва ўринли гапирш, қисқа, мазмундор сўзлаш, эзма, лақма бўлмаслик, кексалар, устозлар олдида нутқ одобини сақлаш, тўғри, рост, дадил гапирш, ёлгончилик, тилёғламликдан узоқ бўлиш тушунилади.

Лекин, афсуски, бугун айрим телекўрсатувлар, радиозиёштиришларни кузатадиган бўлсақ, шеваға оид сўзларни қўшиб, ҳаттоки кўча-қўйдаги ўзаро мулоқотда ишлатиладиган жаргонларни қўлаб гапирадиган бошловчилар оз эмаслиғиға гувоҳ бўламиз. Айниқса, хусусий радиостанцияларнинг шоу-дастурлари бошловчилари бу борада ёшларимизға "ибрат" бўлишмоқда. Бугун кўпчилик куннинг маълум қисмини телевизор қаршисида ёки радио тинглаб ўтказайди. Бундан маълум бўладики, телевидение ва радио бошловчилари, эфир олиб борувчилар, ҳаттоки кўрсатув, эшиттиришларға тақлиф этилган меҳмонлар олдида ҳам катта масъулят туради. Уларнинг нима ҳақда, қандай гапирётгани, сўзларни қандай талаффуз этиши, адабий тил қоидалариға қанчалик риоя этаётганиға қараб бошқаларда ҳам тилға эътибор шакллана боради. Шу боис, телерадио соҳаси ходимлари ўз зиммаларидаги ана шу, улкан тарбиячилик масъулятини унутмаган ҳолда ижод қилиши, бу жараёнда кўнча ва бой тилимининг бутун жозибасини намоён этиб бера олсалар, нур устиға аъло нур бўларди.

Нигора ҲАКИМОВА, Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

Ўз-ўзини танқид

Касб маданияти

Хизмат тақозоси билан турли жойларға боришимизға, турфа табиатли, ҳар хил касб эгалари билан мулоқотда бўлишимизға тўғри келади. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаганимизда, биз — журналистларға бўлган ҳурмат-эътиборни кўриб хурсанд бўласан киши.

4 стоз журналистларнинг барча хатти-ҳаракатлари мен каби фаолиятини энди бошлаётган журналистларға ўрнат. Аммо гуруч курмақсиз бўлмаганидек, айрим ҳамкасбларимизнинг ўринсиз ҳаракатларини, беўхшов қилиқларини кўрганганимизда кўнглимиз хижил тортади.

Яқинда бир тадбирда иштирок этдик. Ярим соатлардан сўнг эшик очилиб ёши улғуроқ бир ҳамкасбимиз кириб келди ва шошилани ўриндиклардан бириға ўтирди. Атрофға аланглаб, сал нарироқдаги танишини кўриб қолди. Баланд овозда унга мурожаат қила бошлади. Таниши қарай-вермаган, ўзи унинг ёниға бориб ўтирди. Иккаласининг сўхбати қизигандан қизиди. Чамамда, тадбирға келганлари ҳам эсларидан чиқиб кетди. Сўнгра тадбир тугамасдан иккаласи ҳам "куён"нинг расмини чизиди. Бу ҳолни кўрганлар кўрмаганға олишди. Уйлаб қолдим: "Нима учун бу ерга келишди-кин? Тахририятда ўтириб мақола ёзиш жонларига теккан бўлса керак". Ёки ўтказилаётган тадбирлар улар учун қизикarli эмасми?

Яна бир мисол: яқинда бўлиб ўтган матбуот анжуманларидан бирида журналист акаимиз мутасаддиларға савол бера бошлади. Дикқат билан кузатдим: у шошиб ўз шеvasида гапирар, тўғриси, саволини ўзидан бошқа ҳеч ким тушуномасди. Кўпчилик бир-бириға маъноли нигоҳ ташлаб, елка қисиди. Журналистлар ўзаро мулоқотда, қийинишда, давраларда ўзини тутиши билан бошқаларға ўрнат бўлиши лозим. Чунки улар ОАВ вакиллариридир. Одамлар билан сўзлашганда ўзини катта тутиш, шевада гапирш, ярашмаган қиймларни қийиш касб этикасиға пўтур етказайди. Энг ёмони, одамлар журналистларнинг ҳаммаси шунақа экан-да, деган нотўғри хулосаға келишлари мумкин.

Давронбек ОРИПОВ, ЎЗМУ журналистика факультети IV курс талабаси

«Газета! Жаноб, у шу даражада мурасасиз, беразм ва дангалки, мен албатта уни ўқимайман! Йўқ, иложи борича кўзим тушиб қолмаслик қондасиға риоя қиламан».

Ричард Бриксон ШЕРИДАН, «Танқидчи», 1-кўриниш, 2-саҳна.

Хўш, интернет қандай пайдо бўлган? Бу савол кўпчиликни қизиктириши табиий. 1888 йили ихтирочи У.Берроу катта сонларни кўша оладиган илк ҳисоблаш машинасиға асос солди. 1944 йили Х.Эйкен "Марк I" номли 4,5 тонналик "кетма-кет бошқариладиган автоматик ҳисоблаш асосини" яратган бўлса, кўп ўтмай Пенсилвания университетини олими — Ж.Экерт ва Ж.Мокли "ЭНИАК" номли биринчи электрон компьютерни ихтиро қилди. 1946 йили Фон Нейман юқорида санаб ўтилган машиналарни бошқариш учун икки тарафлама ҳисоблаш системасини тақлиф этди, шу билан бирға, ушбу машиналарға манба киритиш, сақлаш ва буюртмаларни бошқариш принципларини ишлаб чиқди.

Информацион жамиятға ўтишда муҳим ўрин тутган асосий технологик кашфиётлар қаториға ярим ўтказкичларни ҳам киритиш мақсадға мувофиқ. Айнан шу манбалар компьютерға ҳаёт бахш этди. Наҳақда компьютер нафақат ин-

формацияларни қайта ишлашда инқилоб ясади, балки ахборот оқимини бошқариш функциясини ҳам ўз зиммасиға олди. Шу тариқа 1971 йили илк микросхема пайдо бўлди, 1981 йили эса IBM компанияси тарафидан биринчи персонал компьютер ишлаб чиқилди. Мутахассислар ҳисобиға қараганда, 1960 йилға қадар дунё бўйича 7 мингга яқин компьютердан фойдаланилган. Орадан 33 йил ўтиб, 1993 йили тарихий бурилиш даври бошланди. Бунға сабаб илк маротаба персонал компьютерлар энгил автоматизацияларни ишлаб чиқариш кўламиндан ошиб, 35,4 миллион донаға етди. 1995 йили эса уларнинг сони тахминан 60 миллионни ташкил этди. Аммо дастлабки кезлари ушбу нўвб технологиялар информация жамиятининг асосий воситаси бўлгани йўқ. Чунки яқин ўтмишда компьютерлар бири-бири билан мўтлақ алоқасиз ишлар эди. Информацион инқилобнинг кейинги босқичи глобал компьютер тармоқларининг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу алоҳида мақсад компьютерларнинг беқийс қудратға эга экани ҳамда улар-

нинг информация имкониятларининг ошишиға олиб келди. Утган асрнинг 60-йилларида АҚШ Мудофаа вазирлиғи олдида собиқ СССР билан ядровий муаммолар туғилгудай бўлса, давлатни қандай бошқариш керак, деган муҳим стратегик вазифа турарди. Бошқача қилиб айтганда, АҚШ агар рақиб томон миллий коммуникация марказиға зарба берса, марказ, давлатнинг ҳарбий раҳбарлари билан Америка стратегик қўчалари ўртасидаги алоқани таъминлай олмай қолишидан кўрқар эди. Бу топшириқни бажариш АҚШ Мудофаа вазирлиғининг АРРА (Муҳим лойиҳаларни тақдир қилиш агентлиғи) номи билан маълум бўлган департаментиға топширилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси ўлароқ, алоҳида мустақил сегментлардан ташкил топган марказлашган тармоқ тузиш керак, деган тўхтамға келинди. Марказлашган тармоқнинг информация алмасиш негизиға ахборот маълумотларини майда бўлак — "пакет"ларға бўлиб, турли йўллар билан мақсад сари элтувчи асосий конструкция киритилди. Бунинг

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

БИРИНЧИ, АММО ОХИРГИ СИНИШ ЭМАС

АҚШнинг йирик брокерлик холдингларидан бири — MF Global компанияси Европа қимматли қоғозлар бозорида катта миқдорда инвестиция киритиши оқибатида касодга учради. Бу Америка молиявий бозоридаги биринчи энг йирик синишдир.



Компания 40 миллиард долларлик қарзларидан қутулиш учун ёрдам сўраб кредиторларга мурожаат этган. Ўз навбатида, кредиторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун АҚШ Федерал заҳира тизимига «MF Global Holdings» брокерлик уйининг давлат облигацияларини сотиш таклифи билан чиққан.

Иқтисодчилар ишонч билан MF Global компаниясининг касодга учрашини қарздорлик бўҳронининг охиригиси эмас, дея таъкидлашмоқда.

120 Ёшли Куёв

«The Time of India» нашрининг ёзишича, Ҳиндистоннинг Ассам штати Каримганж округининг 120 ёшли фуқароси ёшлар сингари барча урф-одатларини жойига қўйиб уйланган. Унинг севгилиси ўзидан икки баробар кичик. Висол оқшомига 500 дан зиёд меҳмон тақдир этилган.



Ҳиндистоннинг Ассам штати Каримганж округининг 120 ёшли фуқароси ёшлар сингари барча урф-одатларини жойига қўйиб уйланган. Унинг севгилиси ўзидан икки баробар кичик. Висол оқшомига 500 дан зиёд меҳмон тақдир этилган.


Ҳиндистоннинг Ассам штати Каримганж округининг 120 ёшли фуқароси ёшлар сингари барча урф-одатларини жойига қўйиб уйланган. Унинг севгилиси ўзидан икки баробар кичик. Висол оқшомига 500 дан зиёд меҳмон тақдир этилган.

Ҳиндистоннинг Ассам штати Каримганж округининг 120 ёшли фуқароси ёшлар сингари барча урф-одатларини жойига қўйиб уйланган. Унинг севгилиси ўзидан икки баробар кичик. Висол оқшомига 500 дан зиёд меҳмон тақдир этилган.

Ҳиндистоннинг Ассам штати Каримганж округининг 120 ёшли фуқароси ёшлар сингари барча урф-одатларини жойига қўйиб уйланган. Унинг севгилиси ўзидан икки баробар кичик. Висол оқшомига 500 дан зиёд меҳмон тақдир этилган.

Узоқ умр кўришнинг 7 сир

Америкалик таниқли кардиолог Клайд Янсининг қайд этишича, ҳар бир инсон узоқ умр кўриш борасида 90 фоизлик имкониятга эга. Бу ҳақда «РБК Daily» нашри хабар беради.



Америкалик таниқли кардиолог Клайд Янсининг қайд этишича, ҳар бир инсон узоқ умр кўриш борасида 90 фоизлик имкониятга эга. Бу ҳақда «РБК Daily» нашри хабар беради.

Америкалик таниқли кардиолог Клайд Янсининг қайд этишича, ҳар бир инсон узоқ умр кўриш борасида 90 фоизлик имкониятга эга. Бу ҳақда «РБК Daily» нашри хабар беради.

жармайдиған кишилар юрак ва инсулт касалликларига бошқаларга нисбатан икки баробар кўп чалинади. Шунингдек, организмдаги холестерин миқдорини назорат қилиш, тўғри овқатланиш, қон босимини меъёрда ушлаш, ортиқча вазнини йўқотиш, диабет касаллигига оид таҳдидлардан бохабар бўлиш ва қондаги қанд миқдорининг кўпайишига йўл қўймаслик ва чекмаслик узоқ яшаш шартларидан ҳисобланади.

Шифокор кимки ушбу қоидаларга амал қилса, узоқ умр кўришини таъкидламоқда. Аммо, афсуски, бу билан умр узайишининг 50 фоизини белгилаб берувчи инсон генетикасига таъсир этиб бўлмайди.

3 миллион аҳоли чироқсиз қолди

Кучли қор бўрони АҚШнинг шимоли-шарқий қисмини ташки муҳитдан узиб қўйди, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. Табиий офат сабаб бир неча киши ҳаётдан кўз юмди, 3 миллион аҳоли электр қувватисиз қолди.



Мамлакатнинг Нью-Йорк, Нью-Жерси, Коннектикут ва Массачусетс штатларида қузатилган ёғингарчиликлар сўнгги 100 йилда рекорд натижага кўтарилди. Айрим автомагистралларда йўл ҳаракати батамом тўсилиб қолган, поездлар қатнови тўхтатилган. Нью-Йоркнинг Нью-Арк ва Кеннеди халқаро аэропортлари, шунингдек, Филадельфия аэропортида рейслар кўп соатга кечиктирилган. Айна пайтда ушбу ҳудудларда фавқулодда ҳолат эълон қилинган. Ҳукумат фуқароларни яшаш жойларини тарқ этмасликка чақирмоқда.

Хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, қор бўрони бирикми кун ичида тинади, аммо табиий офат етказган зарарни қоплаш учун анча вақт керак бўлади.

Кулупнай ароқхўрлар жонига оро қиради

Сўнгги йилларда олимларнинг изланишлари натижасида тиббиёт соҳасида инсоният учун фойдали бўлган янгиликлар ҳаётга татбиқ этилди.



Яқинда Италия, Сербия ва испаниялик олимлар кулупнай алкоголь истеъмол қилиш натижасида ошқозон шиллиқ пардасига етказиладиган зарар миқдорини камайтиради, деган хулосага келишди. Таҳрибалар вақтида лаборатория ҳайвонлари ошқозонига этонал спирти юборилган. Бу жараёнгача ўн кун давомида кулупнай мевасини еб кун кўрган қаламушлар ошқозони деярли касалланмаган.

Олимларнинг таъкидлашича, кулупнаининг ижобий таъсири нафақат унинг антиоксидант хусусияти ва фенол моддасига бойлигидан, балки у организмда антиоксидант ҳимоя ва ферментлар ҳаракатини кучайтиришидандир.

Отабек ОТАЁРОВ таъйрлади.

«FINANCIAL TIMES» ГАЗЕТАСИ

Хитой Европани халос эта оладими?

Газетанинг ёзишича, Хитой ҳукумати инкирозна юз тутаётган Европада давлатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Евроҳудудни қутқариш фондига каттагина маблағ ажратиш ҳақида бош қотирмоқда. Бунинг учун Европа мамлакатлари бир қанча шартларни бажариши лозим бўлади.



Хитой Марказий банкининг валюта сиёсати бўйича кўмитаси аъзоси Ли Даокун ва кўмитанинг собиқ аъзоси Ю Юндинларнинг таъкидлашича, Пекин ўз сармоёси кафолатига тўла ишонч ҳосил қилиши шарт. «Европа бизнинг доимий ва йирик савдо шеригимиз бўлгани учун ҳам ҳукуматимиз уни қўллаб-қувватлашдан манфаатдор. Аммо Хитой ҳукуматини бу қарорни ўз халқига қандай тушунтириш масаласи жиддий ҳавотирга солаётир, — дейди профессор Ли. — Хитойнинг истаги ўз сармоёларини қисман сарфлаш йўли билан пул булогининг кўзини очишдир.» Хитой раҳбарияти режалари билан таниш манбашуносларнинг фикрича, улар Европа фондига молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида 50 миллиард доллардан 100 миллиард долларгача маблағ ажратиши қўтилмоқда.

«THE INDEPENDENT» ГАЗЕТАСИ

Виртуал олам Шимолга шошилмоқда

«Facebook» корпорацияси шимолий кутб доирасига яқин жойлашган Швециянинг Лулео шаҳрида маълумотларни қайта ишловчи учта йирик марказ қуришни режалаштирмоқда. Сабаби, бу ерда ярим йил давомида ҳаво даражаси нолдан паст бўла-



«Facebook» корпорацияси шимолий кутб доирасига яқин жойлашган Швециянинг Лулео шаҳрида маълумотларни қайта ишловчи учта йирик марказ қуришни режалаштирмоқда. Сабаби, бу ерда ярим йил давомида ҳаво даражаси нолдан паст бўла-

Дунё матбуоти саҳифаларида

ди. Бу эса серверларни ташқи ҳаво билан совутиш имконини беради. Натижада анчагина электр қувватини тежаш мумкин.

Экспертларнинг маълум қилишича, ҳароратнинг 2-3 градусга пасайиши натижасида бир йилда 250 минг АҚШ доллари қийматидаги электр қувватини тежаб қилиш мумкин. Қолаверса, Лулеодаги маҳаллий ГЭС Европадаги энг арзон энергия етказиб берувчи станция саналади.

Режалаштирилган қурилиш майдонининг ҳажми 11 та футбол стадиони билан тенг. Шартнома қиймати эса 121 миллион долларни ташкил этади. Қурилиш ишлари 2014 йилгача якунланиши кўзда тутилган. Демак, иқлим шароитидан келиб чиқиб, тез орада Скандинавия дунёнинг етакчи маълумотларни қайта ишлаш тармоғига айланиши мумкин.

(РИА «НОВОСТИ» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ)

Туркия қутқарувчилари қидирувни тўхтатди

23 октябрь куни Туркиянинг Ван провинциясида рўй берган даҳшатли зилзила жаҳрланганларни қидирув-қутқарув ишлари тўхтатилди. Сўнгги маълумотларга кўра, табиий офатдан 4150 киши жароҳат олган, 601 киши ҳаётдан кўз юмган.



Қутқарувчилар ўз ишини зилзиладан энг кўп талафот кўрган Эржиш шаҳрида якунлашди. 28 октябрь куни бу ерда бино бўлаклари остида 108 соат қолиб кетган 12 ёшли бола қутқариб олинди. Бу воқеадан бир кун олдин эса 19 ёшли талаба вайроналар остидан чиқариб олинган. Яна бир мўъжизавий қутқарув иши икки ҳафталик чақалоқ билан боғлиқ. У деярли икки сутка овқатсиз ва сувсиз яшаган.

Эслатиб ўтамиз, зилзила 23 октябрь куни соат 13:40да Туркиянинг жануби-шарқда жойлашган Ван шаҳрида бошланган эди. Унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 7,2 баллга тенг бўлган. Шунингдек, ер ости силкинишлари қўшни Арманистон, Озарбойжон ва Эронда ҳам қузатилган. Душанба тунди эса Ван провинциясида зилзила яна қайталанган. Бу сафар унинг кучи 6,1 баллга тенг бўлган.

Афсуски, ҳали Туркия фожияси талафотлари бартараф этиб улгурилмай, 1 ноябрь куни Хитойнинг Синьцзян-Уйғур автоном районидан ҳам 6 баллик ер силкиниши содир бўлди. Зилзила маркази Инин (Фулжа) шаҳридан 95 километр узоқликда.

Маълумотларга қараганда, хитойлик сейсмологлар бундан сал олдин ҳам мамлакатнинг жануби-ғарбий қисмидаги икки провинцияда Рихтер шкаласи бўйича 5,4 баллга тенг ер силкиниши қайд этишган.

Қурбонлар ва жабр кўрганлар ҳусусидаги маълумотлар ҳозирча маълум қилинмапти.

Улугбек АСРОПОВ таъйрлади

«KAFOLAT» кредит уюммаси аъзолари диққатига!

2011 йил 15 октябрь куни Бувайда тумани маданият саройи мажлислар залида уюшма аъзоларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Шунга кўра аъзоларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан «KAFOLAT» кредит уюммаси фаолияти тўхтатилди. Эътироз ва даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 (икки) ой давомида қуйилган манзилда қабул қилинади:

Манзил: Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Бувайда қишлоғи. Мурожаат учун телефон: 8 (373) 529-33-00.

Доимий назоратда

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 1 ноябрда қабул қилинган «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб механизмининг тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга асосан тўлов муддати ўтган қарзларни йиғиш ва юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун маблағларнинг тўлиқ тушишини назорат қилиш давлат солиқ идоралари зиммасига юклатилган. Шундан келиб чиқиб, туман давлат солиқ инспекцияси томонидан мазкур йўналишда жорий йилнинг 9 ойи давомида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Туманимизда жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига 5239 та юридик шахс мавжуд бўлиб, улардан 2135 таси туман электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузган. Асосий абонентлар орқали электр энергиясидан фойдаланган субабонентлар эса 3104 тани ташкил этади.

Туман электр тармоқлари корхонаси тақдим этган 294 та корхонанинг 430 миллион сўмлик қарздорлиги реестр билан ДСИ томонидан қабул қилиниб, 169 та корхонанинг 259 миллион сўм қарзи ҳужжалик судига тақдим этилгунга қадар ундирилди. 125 та корхонанинг муддати ўтган дебитор

Солиқ

қарзларини мажбурий ундириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳужжалик судига даъво аризалари киритилди ва ижрога қаратилди. Жорий йил давомида туман давлат солиқ инспекцияси ва электр тармоқлари корхонаси биргаликда ўтказган рейд-мониторингларда 23 та юридик шахс томонидан 17 миллион 400 минг сўмлик электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланди. Қонуنبузарларга нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатлар туман прокуратурасига тақдим этилди.

Х.УСМОНОВ, Мирзо Улугбек туман ДСИ шўъба бошлиғи

Қонунга амал қилган қоқилмайди

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан тадбиркорлик субъектларга қарашли чакана савдо шохобчаларида сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотларини савдога чиқаришга чек қўйиш ҳамда мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган товарлар сотилишининг олдини олиш борасида муайян тадбирлар олиб борилмоқда.

Ана шундай профилактик ишлар натижасида республикамиз ҳудудига аҳолининг соғлиғига зарар етказувчи озиқ-овқат маҳсулотларининг айланма йўлдан олиб кирилишига, яширин цехларда ишлаб чиқарилишига чек қўйилди. Жумладан, «Логифер плюс» масъулияти чекланган жамиятига қарашли озиқ-овқат дўконига ўтказилган текширув натижасида 200 минг 900

сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларининг қирим ҳужжатлари ва мувофиқлик сертификатлари йўқлиги сабабли вақтинча олиб қўйилди. «Ғайн Су Жулиана» масъулияти чекланган жамиятга қарашли кафеда ўтказилган текширув вақтида эса кассир ўз насадидаги савдо пулларидан 12 миллион 230 минг 400 сўми НКМ хотирасига киритилмагани, 18 миллион 925 минг 500 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари қирим ҳужжатлари ва мувофиқлик сертификатлари эга эмаслиги маълум бўлди.

Ушбу қондабузарликларда айбдор шахсларга нисбатан белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилди.

У.СУЛАЙМОНОВ, Яққасарой тумани ДСИ бўлим бошлиғи

Навоий вилояти «Пахтасаноат» АЖ жамоаси



яқинлашиб келаётган Қурбон ҳайити байрами билан халқимизни самимий муборакбод этади. Оилаларига тинчлик, хотиржамлик, ишларига ривож тилайди.

Ғалабалар юрти бу!

(Бошланиш 1-бета)

Бу янгиликни эшитган ҳар бир юрдошимиз бир олам қувончу шодлик, гурур ва ифтихор соҳибига айланди. Биз бу кунни интиқ-интизор кутдик. Яшириб нима қиламиз, ҳал қилувчи ўйин арафасида кўнгилларда анча-мунча ҳадик, ҳавотир шарпалари кезиб юрди. Бесаранжом эдик. Ахир, "Насаф"нинг рақиби не не халқаро мусобақаларда кўзи пишиб, суяги қотган Осиевнинг энг номдор, энг дондор жамоаларидан бири эди-да. Уни мағлуб этиш осон эмасди. Шунинг учунми ё ватанпарварлик ҳисси устун келибми, дуч келган жойда, дуч келган пайтда бўлажак ўйинни муҳомама қилдик.

Чойхонада чой ичиб, дўстларимиз билан финал ўйини устида талашиб-тортишардик. Кимдир "Насаф"ни алқаса, тагин биров афсусланганнамо бош чайқаб, рақиб жамоанинг имкониятлари юқори эканини гапирарди. Шундоққина бикинимизда эса жунқалпоқларини бостириб кийган, барваста, афт-ангорида фермерсифат икки киши тамадди қилишгаётган экан. Ғала-говуримиз ёқмади, шекли, биз томонга гоҳ-гоҳида норизо кўз ташлаб қўйишди. Баҳсимиз қизиби, овозимиз баттар гулдираган пайт улар яна биз томонга чимирлиб қарашди.

— Ана, айтмовдимми? Биз барибир энгамиз демовдимми?!

Улардан бири шундай ҳаяжонли хайкириқлар билан мени кучоқлаб олди.

— Гапингиз чин, ака, бизга фақат ғалабалар ярашади! — дедим мен ҳам уни кучоғимдан қўйвормади.

— Нега энди, қизиқтиради, — деди улардан бири ажабсиниб, сўнг чўнтагидан икки дона ялтирок, кафтедеккина қороз чиқарди, — мана, билет ҳам олдик. Аммо, очиги, сизларнинг баҳсларингиз бизга ёқмайпти.

— Нега?! — деб жавоб берди.

— Чунки, ҳеч қандай мунозарога ўрин йўқ. "Насаф" ютади, тамом-вассалом! Биз бунга ишонамиз.

— Биз ғалабалар юртида яшаймиз, ука, — дея шерининг фикрини маъқуллади иккинчиси.

Бу ёғига нима дейишимни билмай қолдим. Шерикларим ҳам хангу манг. Икки фермер эса бизга кулимсираб қараб туришибди. Шунда уларнинг нигоҳларида чакнаган ишонч ва гурур аста-секин бизларга ҳам юқаётганини, ичимизда кезиниб юрган ҳадик ва ҳавотир Қаршини қоплаган тонги тумандек тарқаб бораётганини сеза бошладик.

Эртаси кунни ҳал қилувчи ўйин томошасига ҳам шундай кайфиятда йўлга чиқдик. Кўчалар одам билан гавжум. Барчанинг юзида байрамона табассум. Аксарият мухлислар семимли жамоаси — "Насаф"нинг спорт кийимида. Баъзиларнинг эғнида ҳатто миллий терма жамоамизнинг формаси. Кўпчилигининг кўлида эса Мустақил Ватан — Ўзбекистонимиз байроғи. Ашаддий мухлислар "Олга Ўзбекистон!", "Бутун Ўзбекистон сен билан!", "Насаф" чемпион!" сўзлари битилган бемперларни бош ўзра кўтариб олишган. Чинакам фанатлардан

бўлса керак, 13-14 ёшли бир тўда бола юзларини турли рангларга бўяган. Сочларининг турмаги ҳам ўзгача. Ҳар бирининг бош кийими ушбу кунга мослаб яратилганки, улар бир-бирини асло такрорламайди.

Финал ўйини бошланишига ҳали бир неча соат вақт бор. Шунга қарамай, Қаршидаги замон талабларига мос шинам ва кўркам, спортчилар учун барча-шарт-шароитларга эга "Марказий" стадион мухлислар билан тўлган. Уларнинг кайфияти аъло. Айримлари аллақачон байрамни бошлаб юборган. Миллий куйларимиздан қилиб, ўйин-кулгу қилишарди. Арена ўзра янграётган хайкириқлар эса уларга жўр бўлмоқда. Назаримизда, мухлислар хайкиригидан гувуллаб турган муаззам стадион ўзра ҳам ўша фермер акаларимиз қароғидаги ишонч ва гурур чарх уриб юргандай. Чор атроф улкан прожекторлар ёғдусидан эмас, ўша хос туйғулар чаканидан ёришиб тургандай туюлади бизга.

Уйин ҳам шу руҳда бошланди. Ва шу руҳда "Насаф"нинг ғалабаси билан якунланди. Стадион, бутун Қарши шаҳри шодиёна кийкириқлар ва олқашлардан ларзага келди. Кўчаларда чинакам байрам, тантаналар бошланиб кетди. Уйиндан сўнг стадиондан чиқа туриб тагин ўша фермерларни учратиб қолдик.

— Ана, айтмовдимми? Биз барибир энгамиз демовдимми?!

Улардан бири шундай ҳаяжонли хайкириқлар билан мени кучоқлаб олди.

— Гапингиз чин, ака, бизга фақат ғалабалар ярашади! — дедим мен ҳам уни кучоғимдан қўйвормади.

— Нега энди, қизиқтиради, — деди улардан бири ажабсиниб, сўнг чўнтагидан икки дона ялтирок, кафтедеккина қороз чиқарди, — мана, билет ҳам олдик. Аммо, очиги, сизларнинг баҳсларингиз бизга ёқмайпти.

— Нега?! — деб жавоб берди.

— Чунки, ҳеч қандай мунозарога ўрин йўқ. "Насаф" ютади, тамом-вассалом! Биз бунга ишонамиз.

— Биз ғалабалар юртида яшаймиз, ука, — дея шерининг фикрини маъқуллади иккинчиси.

Бу ёғига нима дейишимни билмай қолдим. Шерикларим ҳам хангу манг. Икки фермер эса бизга кулимсираб қараб туришибди. Шунда уларнинг нигоҳларида чакнаган ишонч ва гурур аста-секин бизларга ҳам юқаётганини, ичимизда кезиниб юрган ҳадик ва ҳавотир Қаршини қоплаган тонги тумандек тарқаб бораётганини сеза бошладик.

Эртаси кунни ҳал қилувчи ўйин томошасига ҳам шундай кайфиятда йўлга чиқдик. Кўчалар одам билан гавжум. Барчанинг юзида байрамона табассум. Аксарият мухлислар семимли жамоаси — "Насаф"нинг спорт кийимида. Баъзиларнинг эғнида ҳатто миллий терма жамоамизнинг формаси. Кўпчилигининг кўлида эса Мустақил Ватан — Ўзбекистонимиз байроғи. Ашаддий мухлислар "Олга Ўзбекистон!", "Бутун Ўзбекистон сен билан!", "Насаф" чемпион!" сўзлари битилган бемперларни бош ўзра кўтариб олишган. Чинакам фанатлардан



қаро майдонларда эришаётган ютуқларида қўришимиз мумкин.

Кўпчилигининг ёдида, 1994 йили Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиев ўйинларида футбол бўйича миллий терма жамоамиз бош совринни кўлга киритганиди. Тан олиш керак, яқин-яқингача ушбу муваффақиятдан бўлак макташига арзигулик деярли ҳеч вақоимиз йўқ эди. Бунинг қатор сабаблари бор эди, албатта.

Нихоят, 2011 йил ўзбек футбол учун янги даврни бошлаб берди. Дастлаб миллий терма жамоамиз Каттарда ўтказилган Осиев кубоғи мусобақасида яхши иштирок этиб, турнирнинг ярим финалига қадар етиб борди. Айни кунларда эса вакилларимиз 2014 йили Бразилияда бўлиб ўтайдиган жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ёзида Мексикада 17 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ташкил этилган жаҳон чемпионатида умидли ёшларимиз ажойиб натижаларга эришишди. Улар дунёнинг кучли терма жамоаларига қарши майдонга тушиб, зафар қозонишди. Энг асосийси, жаҳоннинг кучли саккизта терма жамоаси қаторидан жой олди.

Олимпиада терма жамоамиз хусусида ҳам ана шундай илиқ фикрларни билдириш мумкин. Ушбу ёшдаги вакилларимиз йил бошидан бери иккита халқаро мусобақа — Украинада ўтган Лобановский хотира турнир ва Вьетнамда ташкил этилган беллашувда

бош совринни кўлга киритди. Терма жамоа шу кунларда 2012 йилда Лондонда ташкил этиладиган Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун тараддуд кўрмоқда.

Шу ўринда, мамнуният билан таъкидлаб ўтиш лозимки, ОФК кубоғи турнирининг ҳал қилувчи учрашувининг айнан Қарши шаҳрида ўтказилиши ҳам диққатга сазавордир. Бу имконият бекорга берилган эмас. Чунки сўнгги йилларда Қашқадарё вилоятида кенг миқёсдаги ислохотлар, бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Дунё андозаларига мос спорт мажмуалари, маший-маданий иншоотлар барпо этилди. Жумладан, Ғузордаги замонавий стадион, Гувалак бадий гимнастика спорт мажмуаси ва бошқа кўплаб спорт ареналарини мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин. Барча футбол жамоалари қошида ёш истеъоддорлари кашф этиш, уларни тарбиялаш мақсадида футбол мактаблари, академиялари ташкил этилганини эса алоҳида эътироф этиш жоиз.

Яратилган бундай қулай шарт-шароитлар, имкониятлар меваси ўларок, бугун футбол бўйича мамлакат чемпионати олий лигасида "Насаф"дан ташқари "Шўртан" ва "Машъал" жамоалари пешқадамлар сафига тўп сурмоқда.

Шунингдек, воҳода аёллар футболга ҳам жиддий эътибор қартилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон чемпионатида вилоятнинг иккита —

"Севинч" ва "Олимпия" жамоалари иштирок этмоқда. Улардан "Севинч" жамоаси бир неча марта мамлакат чемпиони, кўплаб халқаро турнирлар совриндори бўлгани барчамизни қувонтиради. Шу далилларнинг ўзидек бугун Қашқадарёда ўзига хос футбол мактаби яратилганидан дарак бериб турибди.

— Бу ердаги раҳбарларнинг фаолиятини кузатарканман, мени бир ҳижат жуда қувонтирди, — дейди финал ўйинини бошқарган рефери Ким Донг Жин. — Улар шунчаки расмий ташкилотчилар эмас, балки футболни чинакама севадиган, тушунадиган, ҳис қиладиган кишилар экан. Бу омил юртингизда футболнинг ривожланишида катта аҳамият касб этади.

Чет эллик меҳмонлардан яна бири, ОФК президенти ёрдამчиси Луо Роджер эса ўз ҳаяжонли таассуротларини шундай ифодалади:

— Мен ҳизмат тақозосига кўра Осиевнинг деярли барча мамлакатларида бўлганман. Лекин Ўзбекистондагидек спортга, футболга бўлган эътиборни, хайрихоҳликни кўрмадим. Мана, биргина Қаршидаги спорт мажмуалари, машғулот майдонлари бизни ўзига жалб қилди. Холбуки, Осиевнинг баъзи бир пойтахт шаҳарларида ҳам бунчалик жиҳозланган спорт иншоотлари йўқ. Ўзбекистон, шак-шўхбасиз, яқин келажакда кўпгина нуфузли халқаро мусобақаларнинг доимий мезбонига айланади.

ОФК президенти вазифасини бажарувчи Жанг Жилонг эса "Насаф" клубини голиблик билан табриқлаб, шундай деди:

— "Насаф"ни ғалаба билан табриқлайман. Бу буюк ўйин бўлди. Уни минглаб мухлислар катта ҳаяжон билан кузатишди ва ўйин ҳақиқий финалга мос бўлди. Дарвоқе, 2004 йили ташкил этилган ОФК кубоғида илк марта Фарбий Осиев давлатидан бўлган жамоа голибликка эришди. "Насаф" шуни исботладики, Осиевда жамоалар савияси тенглашиб бормоқда. Финалнинг ажойиб ташкил этилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Албатта, меҳмонларнинг бундай самимий эътирофлари бизни қувонтиради, тўлқинлантиради. Аммо ўша кунни энг гўзал эътирофи "Насаф" футбол жамоаси ўзининг ишончли, иродали ўйини билан ҳалқимиз олдида изҳор этди. Футболчиларимиз мухтарам Президентимизнинг "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз" деган пурмаъно сўзларини яна бир қарра амалда кўрсатиб, ғалабалар юртининг муносиб ўғлонлари эканини жумлаи жаҳонга намойиш этишди. "Насаф"нинг бу ғалабаси Ўзбекистон футбол тарихида янги, шон-шарафга, зафарли юришларга бой саҳифа очиб берди. Кутлуг қадам ҳаммамизга муборак бўлсин!

Луқмон БҮРИХОН,
Азим БАХОДИР

Билмаганини билган яхши

«Амнистия» тушунчаси

— «Амнистия» тушунчаси оқлаш маъносига ҳам тушунилади. Шу тўғрисида Н.Абдуллаева Қарши шаҳри

«Амнистия» тушунчаси жиноят содир қилган шахсларни жиноий жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш, тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш, қўшимча жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлашни ифода этади. Шу маънода амнистия акти жиноят қонунини бекор қилмайди ёки ўзгартирмайди, маълум иш юзасидан чиқарилган суд ҳукмига нисбатан норозиликни билдирмайди.

Амнистия жиноий жавобгарликдан озод қилишда мажбурий ва ҳеч бир шарт талаб этмайдиган асос бўлиб ҳисобланади. Лекин амнистия акти қўлланилган шахс олдинги лавозимига тикланишини ва ишда бўлмаган вақт учун қўшимча ҳақ тўланишини суд тартибиде талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Оқлаш, яъни реабилитация эса куйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

- иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳомамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаган;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаган. Шунингдек, бундай ҳолларда оқланган шахслар олдинги лавозимига тикланишини ёки ишда бўлмаган вақт учун ҳақ тўлашни суд тартибиде талаб қилишга ҳақлидирлар.

Қарши туман ДНИ катта нотариуси Мунаввар БАХРИНОВА жавоб берди

Гаров нима?

— Қандай ҳолатларда гаров шартномаси тузилади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Ш.Рауфбоева
Пешку тумани

Бир шахснинг бошқа бир шахсга мол-мулкни ёки унга тегишли бўлган ҳуқуқий мажбуриятларини бериши гаров ҳисобланади.

Гаровнинг ўз шартлари бор. "Гаров тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида банк кредити, ижара, олди-сотиқи, уй-жой қуриш ёки шахсий автомашина харид қилишда гаров шартномаларини тузиш мумкинлиги кўрсатилган.

Кўчмас мулкни гаров (ипотека)га қўйиш тўғрисидаги шартнома шу мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус томонидан тасдиқланади. Бунда нотариус ипотекага қўйилаётган мулк ипотекага қўйиш шахсга тегишли эканини, уни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмагани ва хатланмаганини, бошқа ипотекага қўйилган ёки қўйилмаганини, қарзлари йўқлигини, ипотекага олувчи ва ипотекага қўювчи юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатларини, жисмоний шахсларнинг шахсини ва вакилларнинг ваколатларини текширади.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 52-моддасига кўра, фуқароларнинг кундалик турмуши учун ўта зарур буюмлар, шунингдек, уй-жой ва хонадонлар қарзини ундиришга қаратилмайди, дейилган. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 272-моддаси, 4-қисмига биноан бино ёки иншоот ипотекасига бино ёки иншоотни гаровга берувчи шахс тегишли ер участкасининг эгаси ёки ижара олувчиси бўлсагина йўл қўйилади. Ипотека шартномаси бўйича фақат бино ёки иншоот гаровга берилмаган бўлса, ер участкаси ёхуд унинг ижара ҳуқуқи гаров предмети ҳисобланмайди.

Хуллас, гаровнинг қонуний йўли мавжуд ва у қатъий белгиланган. Аммо бугун гаров борасида ноҳақликлар, лафзсизлик, кўзбўйамчилик ҳолатлари рўй бермоқда. Банкдан катта миқдорда кредит олиш учун ҳатто кекса ота-оналарнинг уй-жойи, мол-мулкни гаровга қўяётганлар ҳам учраб турибди. Шу боис, "Гаров тўғрисида"ги Қонундан хабардор бўлиш айти мудаодир.

Пешку туман ДНИ нотариуси Баҳром МАРДОНОВ жавоб берди

Тахаллус исми бўла оладими?

— Умуман, фуқаронинг исмига бўлган ҳуқуқи тўғрисида тушунча берсангиз.

Н.Дониёрова
Яккабоғ тумани

Исм — ҳар бир шахснинг ижтимоий ҳаётда ва фуқаролик муомаласида индивидуаллашув воситасидир. Исм ҳуқуқи 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга мувофиқ фуқаронинг ажралмас ҳуқуқи ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 19-моддасига мувофиқ, фуқаро ўз фамилияси ва исми, шунингдек, отасининг исми билан боғлиқ ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлади ҳамда уларни амалга оширади. Қонуний тартибда тахаллус (тўқилган исм)дан ҳам фойдаланиш мумкин. Қолаверса, фуқаро ўз исмини ўзгартиришга ҳақли, аммо бу аввалги исми билан олган ҳуқуқ ва бурчларини бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлмайди.

Косон туман ФХДё бўлими мудираси Жамила ҒАЙБУЛЛАЕВА жавоб берди

Қишлоқ хўжалиги соҳасида лизинг афзаллиги

Республикамизда фермерлик ҳаракатининг тобора кенгайиб боришида банк-молия соҳаси муассасалари билан ҳамкорлик катта аҳамият касб этади. Хусусан, молиявий лизинг хизмати бугунги кунда қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган субъектлар учун ҳар томонлама қулай ва иқтисодий самарали кўмак сифатида эътироф этилмоқда.



берилган имтиёزلардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида сотиб олиш бўйича махсус ташкил этилган фонд ҳисобидан ушбу мақсадлар учун миллионлаб маблағлар ажратилиб, бу йўналишда белгиланган чоратадбирлар юртимизнинг барча минтақаларида, бевосита жойларда амалиётга кенг татбиқ қилинмоқда.

Лизинг тизими, шубҳасиз, бир қатор афзалликларга эга. Масалан, техникани лизингга олиш натижасида фермерларнинг МТПлар хизматидан фойдаланишга эҳтиёжи қолмайди ва маблағлари тежаллади. Агар инфляция жараёнининг техника қиймати, лизинг фонслари миқдорига таъсир этмаслигини инобатга олсак, лизингнинг лизинг олувчи учун нақадар фойдали экани янада

равшан бўлади. Шунингдек, бугунги кунда фермер хўжаликлари билан МТПлар ўртасида тузилаётган шартномаларнинг кўпчилигида хизмат кўрсатувчиларнинг манфаатлари кўзда тутилаётгани, фермерларга моддий-техник ресурсларни етказиб бериш ва хизматлар бозорига монопол корхоналарнинг сақланиб қолаётгани каби ҳолатларга чек қўйишда фермер хўжаликлари лизинг асосида техникалар сотиш тизими муҳим роль ўйнайди. Бу фермер хўжаликлари учун эркин рақобат муҳитини яратиш, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали соҳа даромадини кўпайтириш, пировардида, аҳоли фаровонлигини оширишга кенг йўл очиб беради.

Рустам ҚҮЧҚОРОВ,
Жиззах шаҳридаги 1-сон ДНИ катта нотариуси,
Одил БАХРИДИНОВ,
Янгиобод туман ДНИ нотариуси

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинлари, энг аввало, пахта ва ғалладан юқори ҳосил олинаётгани, соҳада ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин кўпай-

гани деҳқончиликда туб сифат ўзгаришларининг самарасидир. Хусусан, фермер хўжаликларига замонавий техника ва технологиялар етказиб беришни янада яхшилаш, бунда давлат томонидан

МАЪНАВИЯТ

Мутолаа

Қадимги тасавуруларга кўра, найсон ёмғирдан денгизлар тубида марваридлар пайдо бўлармиш. Яхши шеър ўқилганидан туғилган туйғунни ҳам найсон ёмғирга менгаш мумкин: яхши ниёт билан одам назарини покламоқ ва бокира туйғуларни тафаккур денгизига сингдириш қалбларда маъно дурдоналарини ҳосил этажак.

Ўзининг «Яхши ҳам сиз борсиз», «Унутилган кўр», «Офтобга қайтаман» шеърӣ тўпламлари билан сўз ихлосмандлари эътирофига сазовор бўлган шоир Фулом МИРЗО қисқа танаффусдан сўнг «Қабл томчилари» номли анча салмоқли мажмуасига тартиб бериб, тафаккур қатламлари тафтишидан ҳосил бўлган янги шеърӣ топилмаларини тақдим этди.

Кўнги марваридлари

Китобни ўқиган киши, аввало, шоирнинг тилни яхши ўзлаштирганлини пайқайди. Ҳазрат Навоийнинг «Муҳокамат ул-лугатайн»идан тўғри сабоқ чиқариб, туркий тилнинг сўз яшаш имкониятларидан ўринли фойдаланган. Учиқларда «Кулайликка қулиқдан кутул» дея уч харф — **қ-у-т**нинг бирикмасидан турли ифода товланишини маҳорат билан кўрсатади, «Дилнома» шеърӣда «дил» сўзидан ўттизта мустақил сўз ясаб, лирик қаҳрамон ва ёрнинг сифатларини тазод ва муқобала йўси-нида келтиради («Сиз дилхоҳ, дилтортар, дилпором. Биз дилгир, дилшуда, дилпора»).



Шеърларнинг бирини ойни малоҳатли малоҳага менгашган шоир («Малоҳатли малоҳа каби моҳ Тунни ҳайдаб кетар олисга») хурликка эришган миллатнинг руҳиятини ифодалаш учун дарахт тасвирига киришди. Дарахт рамзлар тилида ҳаёт, улугворлик, азамат тимсоли. Шоир бу тимсолнинг зиммасига айнан шундай сифатлар «соҳиб» бўлиши, миллат таъносини ҳам «юклайди». Шеърнинг дастлабки икки бандида бир манзарани тасвирлаб, «зирк», «хузур» ва «дуо» сўзларини қўллаш орқали ўқувчини тасаввур босқичидан мистик тафаккур оламига етаклайди. Бу сатрларни ўқиган киши ташаббуҳ ҳар бир жонзот ўзига насиб этган неъматнинг ҳаққини баҳо келтиришда собит экани, бутун борлик муайян бир уйғунликда ҳаёт кечирishi ва қонуниятларга итоат қилиши лозимлигига яна бир қарра имон келтиради:

*Озроқ елса шабада,
Зикрлари беҳисоб,
Хивчину шох-шабада
Шитирлари беҳисоб,
Ёмғир ювса мабодо
Хузурлари беҳисоб,
Новдаларин дуога
Чўзурлари беҳисоб.*

Кейинги бандда гўзал лаҳзалар шукронасини ифодалаш учун лирик қаҳрамон қалбини япроққа ўхшатади. Энди дарахт тахайюл кўзида новдалари ям-яшил япроққа бурканган ҳолатидан тилларида шукроналик беҳисоб бўлган кўнгилар билан орасталган муҳташам бир кудсий хилқатга дўнади:

*Япроқдек бир қалбимда
Шукронам қанча, билмам,
Лек юзлаб юрак баргда
Шукурлари беҳисоб.*
Муаллиф кўпроқ сўзнинг залворига эътибор қаратади. Вази ва қофияга мослаштириш илинжида сатрларни ёрдамчи сўзлар билан тўлдиришдан ўзини тияди. Жумладан, атиги 11 сўз ва 6 сатрдан иборат куйидаги шеърда инсоний бахтнинг тарихий куртақлари ҳақида фикр юрилади:

*Бароридан келган ов,
Ғор,
Олов,
Пўстақ —
Илк бахт учун яна
Не керак?..*

Ортиқча пардоз йўқ, сўзлар ташқи оҳангига қараб эмас, ички мусиқавийлик ва мантиқий боғланишга мувофиқ танланган. Шеърнинг ўқтомирини «илк бахт» тушунчаси ташкил қилади. Қолган сўзларни ўзининг маъно меҳвари атрофида айлантирган айнан шу ибора ўқийдиган ўқигани, тасаввурдан тафаккур сари кечинмаларни ҳаракатлантиради.

Бахт ўзи нима? Бахтсизликчи? Абдий бахт мавжудми? Барчага мақбул тушадиган

бахт мезонлари борми? Бу тахлит саволлар инсон фикр-лаб бошлаганидан бери жумбоқ. Шоир бахтнинг дастлабки кўриниши моддий асосга пайдо бўлгани, қадимги давр одами ўлжасини аёли авайлаб сақлаган чўғда пишириб егандоз сўнг пўстақнинг устида оёқ чўзиб, горнинг оғзидан кўринаётган осмон парчасини хузур-ла томоша қилишни энг улуғ бахт, деб таънослаганини риторик савол орқали тасдиқлаб, айни пайтда шу бахтнинг чинлигини шубҳа остига қўяди. Негаки, бир маромда яшаш, бирхиллик одамзот табиатиға хос эмас. «Яна не керак?..» саволи туйғули кимларнингдир юхо нафси жунбушга келади, кимгадир бир умр қорин ғамида яшаш эриш туюлади. Қалб ва қорин ғамида икки тоифага борлик муайян бир уйғунликда ҳаёт кечирishi ва қонуниятларга итоат қилиши лозимлигига яна бир қарра имон келтиради:

Шеърда тасвирланган илк бахтнинг дастлабки кўринишлари ким учундир қаноат тимсоли бўлса, кимлардир аждодларнинг орауларни кичиклигига қуюнади, бошқа биров «бахт» тушунчасини агар нафс кутқусига боғлиқ тасаввур қилса, ўзини «ғор одами»дан ҳеч қандай тафовут йўқдай ҳис қилади.

Китоб ягона мантӣ халқасида бирлашган 12 туркумдан иборат. Бошқа китобларда учрамайдиган «Мутолаа фароғати» туркуми киши эътиборини тортади. Негаки, мумтоз адабиётимизда мукаррам оятлар ва ҳадиси шарифлар, азиз-авлиёларнинг ҳикматларини шеърӣ таржима қилиш гўзал аънамага айланган эди. Фулом Мирзо унутилаёзган аънанани ижодий ўзлаштириб, турли замонларда яшаб, ижод қилган файласуфларнинг ҳаётӣ сабоқлари ҳамда мутолаа натижасида ҳосил бўлган шахсий мулоҳаза ва хулосаларини куйма сатрлар орқали ифода-лашга уринган. Муаллиф бу туркумда кимнингдир фикри таъсирида қолган ижодкор эмас, балки ўз дунёқараши ва маслагига мос ҳамда қувватлаб ривожлантирадиган хосиятга эга бўлган тирик фикрларни назм силкига тортишга жазм қилган. Мутолаа фароғати туркумидан жой олган Демокрит дейди: «мардлик эгдир зарбаларни писанд этмаслик» каби шеърлар адабий жараёнда шеърӣ таржима ва талкин аънаҳасига янги раванқ бағишлайди, деб умид қиламиз.

Слимжон ДАВЛАТОВ

ЖАСАЛЛА

Уйқуси қочган мўсафид тўшакда ўзини ўзанда қолган балиқдай ҳис қилса-да, ёнида ётиб ухлаган набирасининг оромини уйлаб қимир этмас, хаёлини ўғли Султон банд этган эди. «Бугунги қилигинг юрагимга оғир ботди, болам. Сени шу умлда қатта қилдимми, ўқитдимми? Шунча гаплар, насиҳатлар... Ҳавога учганимди ҳаммаси?! Уқимишли, зукко, ҳамма ҳавас қиладиган бир зиёли шундай ишни ўзига раво кўраркан, унинг тарбиясини олган бола эртага қанақа одам бўлади?»

...Кечкурун ота-бола тортишиб қолишди. Мўсафид хунуб. Келинига ёзғириб, юрагини бироз бўшатмоқчи эди, у ҳам эри томонга ўтиб олди. — Э-э, хафа бўлманг, — деди астагина эрининг елкасидаги чангини меҳрибонлик билан қоқаркан. — Ўз отангиз, энди кўраётганингиз йўқ-ку!..

Келинидан тасалли кутган мўсафид бўшади. Баданига совуқ нарса теккандай титираб кетди. «Химми, бу эрини овуятпти-ку. Менгамас, эрига далда бўляпти!»

Келин нима деди? «Энди кўраётганингиз йўқ?» Ҳа-да, бир гапни минг марта қайта-қайта гапирадиган, қаригани сайин эзма ва инжиқ бўлиб бораётган чолни Султон энди кўриб турибдими?

...Шаҳноз қайнотани илиқ кутиб олган эди. Кўрган заҳоти бобоси томон таллинган болаларнинг ортидан пешвоз чиқаркан:

— Яхши келдингизми? — деди очик чеҳра билан.

Самимий кутиб олиганидан кўнгли тоғдек кўтарилган мўсафид сўради мулойим кўрпачалар устига ўтирганча, набиралари Умид ва Наима унга ёпишдилар. Шаҳноз ҳам ёнига келиб ўтирди.

— Хуш келсиз, дадажон! — деди келининг кайфияти яхши эди. Лекин кейинроқ...

Эр-хотин пичирлашдилар. Шаҳнознинг гапи қайнотанинг шубҳа остига қўяди. Негаки, бир маромда яшаш, бирхиллик одамзот табиатиға хос эмас. «Яна не керак?..» саволи туйғули кимларнингдир юхо нафси жунбушга келади, кимгадир бир умр қорин ғамида яшаш эриш туюлади. Қалб ва қорин ғамида икки тоифага борлик муайян бир уйғунликда ҳаёт кечирishi ва қонуниятларга итоат қилиши лозимлигига яна бир қарра имон келтиради:

Кўнгли эзилган мўсафид эсанкираб қолди. «Келиб-келиб, шу пайт кеп қолганларини қаранг!» Шивирлаб айтилган сўзлар мўсафиднинг қулоғида жаранлаб эшитилгандек туюлди. «Ҳа-я, нега келдим ўзи? Нега «кеп қолдим?!»

Хаммаси Султоннинг ҳовлиқиб кириб келганидан бошланди. У отаси билан саросимада сўрашди-ю, хотинига юзланди:

— Келишяпти, — деди. — Ош нима бўлди?

— деди кўзидан ўт чакнаб.

— Ҳа, сиздек пули кўпайганни... — олайиб қаради ўғил.

— Менга унақа қарама!

Султон истар-истамас ўрнидан турди-да, ортига қарай-қарай кўча эшиги томон кетди. Дарвозани шараклатиб ёпган эди, мўсафид бир қалқиди. Анча вақт изтироб билан ёпиқ дарвоза томон текилиб ўтирди. Келини яқинлашган эди, дардли нигоҳини унга қадаб: — Зардасини кўрднгизми? — деди шикоятмуз.

Шаҳноз ерга қаради. Нимадир демоқчи бўлди, аммо бо-тинолмади. Ва қовоғи солинган куйи қайнотадан узоқлашди. Умидвор мўсафиднинг кўз ўнгига дунё баттар қоронгулашган эди, дардли нигоҳини унга қадаб: — Зардасини кўрднгизми? — деди шикоятмуз.

Султон отасининг хайрон қолган нигоҳини кўриб, анча яқинроқ ўтирди-да: — Эски уйнинг бир томонини ағдарвордим, — деди овозини пасайтириб. — Ичкари ҳовлига кирмадингиз-а? Ёгингарчиликдан қулаб тушди, деб арида ташлаб қўювдим. Ана, келишяпти кўргани.

Султон омонатгина ўтираркан, нохуш хабар эшитгандай қотиб қолган отасининг кўнглидан нималар кечаётганидан беҳабар, хуш кайфиятда кўшиб қўйди:

— Инспектор ўзимизники. Одамгарчилик қилса, анчагина пул чиқиси мумкин. Ҳарнада, ота. Ҳеч бўлмаса, янги уйнинг шифериға етар?! Нима дедингиз?

Авзойи ўзгариб кетган мўсафид: — Нима ҳам дердим, — дея дардли жилмайди. — Бали, ўғлим! Баракалла!

Султон бир сесканди ва: — Дада! — деди ўқрайиб қараркан.

— Нима, дада? — деди келининг ташвиш-ни қилмаси?

— Сен қилган ишнинг ташвишини, болам! Эшитган қулоғи нима дейди?

— Ким билиб ўтирибди?

— Ким билиб ўтирибди, дегин. Ҳеч ким кўрмади бу ажабтовур томошани дейлик. Хў-ўп, ҳеч ким хабардор бўлмади. Лекин шунинг ўзингга раво кўрасанми?

— Ахир... — Ба! Ҳозироқ назоратчи ошангнинг ёнига жўна. Қайтарвор. Тўғриси гапиршига уялсанг, бирор баҳона топ!

Гангиб қолган Султон ҳаракатсиз ўтирарди:

— Тура қолсанг-чи! — ўда-ғайлади мўсафид. — Мен нима дедим? Ҳой, сени ҳалол лўқма билан боққандим-ку. Арзимаган ҳаром пулни деб...

— Нима? — тутакиб кетди Султон.

Мўсафид чўнтағига қўл солиб: — Сенга қанча керак?

Ҳаёт сабоқлари

— Бу киши «раислик»ни аллақачон ташлаган, ота, — деди захарли кулимсираркан.

— Биламан, кайфиятинг йўқ.

Султон ичкари томон қадам босган эди:

— Болам, — деди мўсафид. — Ҳа, яна нима? — орини сўради Султон. Ота: — «Аббосни писанд қилмайсан, бирон бойвачча ёки мансабдорнинг тўйи бўлганида ва у каттароқ хонанда онеганида, «учардинг» демоқчи бўлди-ю, аммо тилини тийди.

— Болам, бор!.. — деди ёлворган оҳангда. — Ўзи оворра бўп кепти-я, қария... Ёш ўтган сари кўнгли нозик бўп кетаркан. Арзимаган нарсаға боши осмонда, арзимаган нарсаға юраги чилларчин. Хафа бўп қолмасин, тўйига бор. Бора қол, жон болам...

...Алламаҳалда микрофон орқали бутун маҳаллага эшитилётган куй-қўшиқ, тантанали сўзларга улашиб кетган суҳандоз ўғлингиз ваъзўйлиги ниҳоят таъби ғоят тирикчилигини англади. «Буниси ҳам хафа».

Ош ҳам келди. Ота-бола дастурхонга қарадилар. Дарвоза тақиллади-ю, остонада кўшни болакай кўринди: — Сизни бир одам сўраятти, Султон ака!

Худди шунинг кутиб ўтиргандай Султон дарҳол кўлини ар-тиб, ўрнидан турди. У кетди-ю, мўсафид ҳам сочичка қўл узатди.

Тез ортига қайтган ўғлига «Ким экан?» дегандай қаради мўсафид.

— Аббос амаки.

Мўсафид таралдуланди: — Аббос?! Уртоғимми?

Кўзгалган эди, Султон шаштидан қайтарди. — Кетиб қолди, кўшнсининг машинасиға ўтириб. Кириб дедим, унамади.

— Бува, — Умиднинг овози қулоғига кирди.

— Эй, бувагн тасаддуқ!.. Мўсафид набираси томон қайтди ва уни бағриға босаркан: — Уйғокимми? — деди меҳрибонлик билан.

Набираси: «Нега хафасиз?» — сўради бўйиқ овозда.

— Мўсафид ҳаяжонланган ҳолда бошини кўтарди ва: — Йўғ-э! — дея юзида мунг акс этган набирасига меҳрили тикилди. — Нега хафа бўларканман, ширинтойим?

— Дадамлар... — болакай йиғламоқчанган куйи бир зум жимиб қолди ва: — Сиз хафа бўлманг, буважон! — бобосини маҳкам қучоқлади. — Илтисмос, хафа бўлманг!

Болакай юраги дард-ҳасратга тўла бобожонга тасалли берадир. Бундай юпатиш ва ҳамдардликни кутмаган мўсафид бир нафас ўзини йўқотди. Қаттиқ таъсирланганидан кўзига ёш келди. Тор қулбадан ёруғ дунё, мусавво ҳавоға қандай бўлди.

Узалиқ тилиричилаб қолган болакай ўзини дарёи рабонда ҳис этди. Енгил нафас олди.

— Сендан кўнглим тўқ, болажоним. Ақли болам! Ўғлоним!..

Мухаммад ШОДИЙ

Бадиа

Ҳақиқат негма?

Инсониёт пайдо бўлибдики, ҳақиқатни излайди. У нима ўзи? Мен ўзимга ёққан нарсани истайман. Замондошим, икром бўл, сен истоган нарса ҳам ўзингга ёқади. Мен ҳам, сен ҳам шундай бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Мен ёмоқчи бўлган таомни сен ҳам ёмоқчисан, мен киймоқчи бўлган кийимни сен киймоқчисан, мен севганини сен севмоқчисан. Нима учун сен ўзингни ҳақ деб ўйлайсан, мен ҳам ҳақман-ку?! Сен нимани кидираясан ўзи? Мен ҳақ бўлсам, сен ҳақ бўлсанг, ҳам менда, ҳам сенда ҳақиқат бўлса, у икита бўлиб қолади-ку?! Сен ҳам инсон, мен ҳам инсон, ҳар иккимизда биттадан ҳақиқат! Дунёда етти миллилард ҳақиқат! Нимани кидираясан ўзи? Менинг ҳақимни сен олиб қўйсанг, сенда икита ҳақиқат бўлади тўғрими? Муаммо нимада? Ҳақиқат кўпчилигидаими ёки йўқлигида? Кўпчилигида бўлса, нимага менинг ҳақиқатимга кўз олайтирасан? Сенга икита ҳақиқатнинг нима кераги бор?! Камлигида бўлса, менинг ҳақиқатим ўзимга керак-ку ахир, нега оласан? Битта ҳақиқат иккаламизга етмайди. Ана, кўрйасанми, мен ҳам инсон эканман, ўз ҳақиқатимни кидираялман.

Ҳар нарсасага қизиқадиган набирам мендан сўради: «Бир майизни қандай қилиб қирқа бўлиб ейиш мумкин?» «Ўтган замонда бир майизни қирқ киши бўлиб еган, дейишди. Майизнинг ҳар бир бўлағи бир одамнинг ҳақи бўлган, ўттиз тўққизта одам ўзаро муросаға келиб, тегишли бўлакни битта — қирқинчи одамга рози бўлиб беришган», — деб жавоб бердим. «Майиз кўп бўлса-чи?» — деб сўраб қолди у. «Унда ҳар ким ўз ҳақини ейиши керак», — дедим. Набирам ёш, тушунмади. У майизни қирқа бўлмоқчи. Бу улуг ниёт! Етти миллилардан бирини олиб, қолганига тегмаса бас.

Суён ДАВУСИЙ



Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 20 июнда қабул қилинган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлаш ташқи этиш тўғрисида»ги қарори асосида ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал эҳтиёжини таъминлаш, кутубхона хизматини янада такомиллаштириш, аҳолининг кенг ва тизимли ахборот олиши учун зарур шарт-шароит яратиш ишлари давом этмоқда.

нашрларига обуна бўлиш, янги адабиётларнинг каталогини шакллантириш, китобхонларни ҳисобга олиш, бюрютма ва китоб берилиши каби хизматларнинг барчаси электрон-автоматлаштирилган тарзда олиб боришмоқда.

Марказда мавжуд электрон ўқув зали, улқачунослик, ҳуқуқий ахборот маркази, ўқув залларида китобхонлар учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, бу ерда турли маданий-маърифий талбирлар, кўргазма ва тақдиротлар, кўрик-танловлар ва учрашувлар ўтказиш аънамага айланган.

Сўрагиз: марказнинг умумий ўқув зали сектор мудири Мажжуда Шокирова.

М.ҚОДИРОВ (Ўза) олган сурат

style art week 2011

Санъат байрами нуфузи

VI Тошкент халқаро замонавий санъат биенналеси якунланди

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Бадий Академия ҳамда шаҳар ҳокимияти ҳамкорлигида ташкил этилган «Art Week style.uz — 2011» санъат ҳафталиги доирасидаги VI халқаро замонавий санъат биенналеси ўз мухлисларини хушнуд этди.



рассомлардан бир кўрсатувдан иккинчи кўрсатувга ўтиш орасидаги беш-ўн дақиқа вақтни банд қиладиган бирор нарса яратиб беришларини сўрайдилар. Шунда рассомлар маълум бир фалсафий фикр сингдирилган ва албатта қисқа муддатда томоша қилишга арзийдиган эскизлар тайёрлаб бера бошлайдилар. Бу видеоарт, яъни санъат намойиши эди.

Бу кичик кўрсатувлар фақат кўнгилхушлик билан овора томошабинни «Муаллиф бу билан нима демоқчи?» деган савол асосида биров бўлса-да, фикрлашга ундаш мақсадида яратилганди. Аммо кўрсатувлар орасидаги вақтни ишбилармонлар ўз хизматлари ва маҳсулотларини тарғиб қилиш мақсадида со-

тиб ола бошлайдилар. Натижада кўп ўтмай реклама телевидениедан видеоарт санъатини сиқиб чиқаради ва у алоҳида тур сифатида кўргазма залларига кўчади. Замонавий санъат биенналесидоирасида намойиш этилган олти видеоартдан учтаси ҳамюртларимиз томонидан яратилгани диққатга сазовордир. «Инсон», «Коинот», «Илоҳиёт» ва «Миллий қадриятлар» тушунчалари теран сингдирилган бу ўзига хос санъат тури мамлакатимиз ижодкорлари шуурига сингиб улгургани замон билан ҳамнафасликнинг бир кўриниши ҳисобланади.

«Инсталляция» сўзи «қурилма» деган маънони англатади. Бу услубда ижодий асар яратишга қўл урган рассом ўзини чуқур ўйлан-

тирган, изтиробга солган ижтимоий ёки сиёсий муаммони ифодалашга ҳаракат қилади. Шунингдек, инсталляция муаллифи ўзи яратган ижодий асардан моддий манфаат кутмайди. Чунки бундай асар қурилма шаклида бўлиб, у тез бузилади ва харидорнинг эмас. Бу жанрда ижодкорнинг асосий мақсади ўз фикрини томошабинга етказиш, асар моҳиятини аниқлашга ундашдир.

Тобора аниқлашиб бораётган мазкур Биеннале ўзига хос кўрик-танлов ҳамдир. Бу гал унда Австрия, Буюк Британия, Бельгия, Бирлашган Араб Амирликлари, Франция, Греция, Германия, Озарбойжон, Испания, Польша, Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Украина сингари

ўттизга яқин давлатдан 150 нафар таниқли рассом қатнашди. Уларнинг асарлари мамлакатимизда мустақиллик йиллари бунёд этилган кўплаб янги, муҳташам санъат галерейлари залларида намойиш қилинди. Бадий Академиянинг марказий кўргазмалар залида санъат ҳафталиги доирасида рассомларимизнинг икки юздан зиёд асарлари намойиш этилди. Айниқса, Файзулла Аҳмадалиевнинг «Қадимий Бухоронинг дурдоналари», «Қатагон қурбонлари» асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, Майя Рожкова, Тимур Раҳметов, Анвар Бахтеев, Уктам Саидовлар яратган асарлар ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортди. Энг ёш ижодкор Ой-Зода Жуманиёвнинг «Инсон ин-

стинклари» ва «Биз билмаган дунё» номли иккита график асари диққатга сазоворлиги билан ажралиб турди. Ёшлар ижод саройида Биенналенинг ёпилиши ва голибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тошкент VI халқаро биенналесининг бош соврини ўзбекистонлик таниқли рассом Файзулла Аҳмадалиевга «Қадим Бухоронинг дурдоналари» мавзусидаги туркум асарлари учун тақдим этилди. Биринчи ўрин Буюк британиялик Сара Рэзага «Марказий Осиё» лойиҳаси учун, иккинчи ўрин юрдошимиз Диёр Розиковга «Меҳанизмлар» лойиҳаси учун муносиб кўрилди. Учинчи ўрин эса, австриялик Кристиан Руппга «Брендлар» лойиҳаси учун берилди.

Гулнора РАҲМОН

Демография

ЕТТИ МИЛЛАРДИНЧИ САТГА ҚЎШИЛДИ

Нихоят, дунё аҳли етти миллиардинчи инсон қаерда туғилар экан, деган саволга жавоб излаб турган бир пайтда унинг Россияда дунёга келгани ҳақида хабар тарқайди. Сабоби БМТнинг тахминий ҳисоб-китобларига кўра, айнан 31 октябрь кунин сайёрамиз аҳолиси расман етти миллиард кишига етиши кутилаётганди. Албатта, буларнинг барчаси нисбий характерга эга. Чунки халқаро миқёсда туғилиш ва ўлимнинг аниқ ҳисоб-китобини олишнинг имкони йўқ. Фақат умумий гипотезалар ва жаҳон бўйича ҳар дақиқада ўртача 150 та чақалоқ дунё юзини кўраётгани маълум, ҳоло.

Бундан икки юз йил аввал бир миллиард нафарни ҳам ташкил қилмаган сайёрамиз аҳолиси бор-йўғи икки инсон умрига тенг вақт давомида етти миллиардга етди. Уларнинг деярли тенг ярми Осиёнинг икки улкан мамлакати — Хитой ва Ҳиндистонда истиқомат қилмоқда. Аҳвол шу зайдда давом этадиган бўлса, 2100 йилга бориб планетамизда 15 миллиард одам бир-бирлари билан муросаю мадора қилишга мажбур бўлади.

Албатта, инсоннинг дунёга келиши қувончли ҳодиса. Аммо туғилишнинг ортиши инсоният олдига жиддий муаммоларни кўндаланг қўйиши табиий. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб кучайишига шубҳа йўқ. Атмосферани кўя турайлик, қишлоқ ва шаҳарларнинг турли маиший чиқиндилар билан ифлосланиши ҳам ортади. Айни пайтда дунёнинг кўпгина мамлакатлари, хусусан, Италия ва Мексикада давлат раҳбарлигига номзодлар ўз сайловолди дастурларида биринчи галда шаҳарларни чиқиндилардан тозалаш масаласига ургу бераётгани сўзимиз исботидир. Аҳоли сонининг ортиши бундай мамлакатлар янада кўпайиши мумкинлигини башорат қилиш имконини бермоқда.

Тоza ичимлик суви ҳам барчанинг бош оғригига айланиши турган гап. Чунки ер юзюда тўртта муазам уммон, ўнлаб денгизлар, кўллар, юзлаб дарё ва сув ҳавзалари бўлишига қарамай, оби ҳаётнинг бор-йўғи 2 фоиздан ортигигина истеъмолга яроқли. Шу боис, дунё аҳлининг тенг ярмидан кўпи ҳануз ичимлик суви танқислиги туфайли ташналиқда яшашга мажбур.

Албатта, сайёрамизнинг етти миллиардинчи инсонни бўлган чақалоққа бу гапларнинг даҳли йўқ. Аксинча, жажжи Пётр Алексеевич Николаев дунёнинг олти миллиардинчи инсонни дея эътироф этиладиган 12 ёшли Лориз Геварра каби туғилиши биланок, барчанинг эътиборига тушиб, аллақачон катта миқдордаги мукофотларни ҳам «қабул» қилиб олди. Худуд губернатори Николай Цуканов чақалоқнинг онаси Еленага суянчи пули сифатида 100 минг рубль ва БМТнинг «Етти миллиардинчи инсон туғилган кун» деб номланган сертификатни топширди.

Иномжон АБДИЕВ тайёрлади



Ҳиндистоннинг Гужарат штатидаги Натваргад қишлоғи аҳолиси ниҳоятда кўп бўлишига қарамай битта қудуқдан сув ичади. «Дунё қудуғи»дан баҳраманд бўлаётган етти миллиард аҳоли ҳам бундай ҳолатдан мустасно эмас. «Карвон кўп, ризқи бўлак» деганлари шу бўлса, керак-да?!

БМТ мутасаддилари «тилла бола» расман Рус ўлкасида туғилганини тасдиқлашди. Чақалоқ Калининград шаҳрида 31 октябрь кунин Москва вақти билан тунги 00:02 да дунёга келган. 3 килограмм 600 грамм вазн билан туғилган (бўйи 50 сантиметр) болакай айна пайтда шифокорлар назоратида парварिश қилинмоқда. Аммо мурғак Пётрнинг рақобатчилари ҳам йўқ эмас. Масалан, Россия Президентининг Узоқ Шарқ минтақасидаги ваколатли вакилининг матбуот хизмати етти миллиардинчи инсон 31 октябрь кунин соат 00:19 да Петропавловск-Камчатка шаҳрида туғилди, деб хабар тарқатган. 3 килограмм 600 грамм

вазнда таваллуд топган болакайга Александр деб исм беришибди. Бундан ташқари, айнан шу кунин Филиппин пойтахти Манилада дунёга келган Данника Май Камочо ҳам етти миллиардинчиликка даъвогарлик қилмоқда. Қизиги, Беларусда ҳам туғилиш ҳақидаги гувоҳнома-ларига 2011 йил 31 октябрь сана-си қайд этилган барча чақалоқларга ҳукумат томонидан «Ер юзининг етти миллиардинчи инсон» деган сертификат берилиши ҳақидаги хабарлар матбуот саҳифаларида «кўчиб» юрибди. Гарчи тортишув ва баҳслар ҳали-ҳамон қизгин давом этаётган бўлса-да, бир нарса аниқ — етти миллиардинчи инсон дунёга келди.

Тармоқ ичида БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАР

«МТС VIP» ТАРИФ РЕЖАСИ ПРОМО-АКЦИЯСИ

\$0,10
Абонент тулови кунига

\$0,33
Абонент тулови кунига

Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси абонентлари учун

Тошкент шаҳри, ҳамда Тошкент, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари абонентлари учун

Изоҳлар:

- «МТС VIP» тарифига ўтиш учун *111*116#3. USSD-номандани териб керак;
- Промо-акция 2011 йил 30 ноябргача амалда бўлади;
- Тариф режадан қуйидаги шартларда барча абонентлар фойдаланишлари мумкин: барча нурувчи қўнғироқлар - \$0, тармоқ ичида чиқувчи қўнғироқлар - \$0, қолган чиқувчи қўнғироқлар - \$0,025.

МТС бир қадам олдинда

HURRIYAT MUSTAQIL GAZETA

Муассоси: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.

Индекс: яқка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

ISSN 2010-7528



9 772010 752002 >

Бош муҳаррир

Уктам МИРЗАЁРОВ

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Тахририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Матёкуб НАРЗИЕВ

Топшириш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22⁰⁰

Ⓜ — тижорат белгиси.

Адади: 5212 Бюропта — Г-1155 12345